Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 44 (10.293).

1992 йил 3 март сешанба

Баҳоси 60 тийин.


Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

МУРУВВАТ ЁРДАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

28 февраль тунда Тошкентга Туркиядан тўртта тайёрада инсонпарварлик ёрдами — 140 тонна шакар ва 20 тонна ун келди. Бу дўст мамлакат 100 миллион долларлик беғараз ёрдамининг бир қисми, холос.

— Туркия давлатининг яқиндагина мустақилликка эришган ва ҳозир вақтинча иқтисодий қийинчиликни бошдан кечираётган республикамизга ёрдами инсонпарварлик рамзи бўлиб, халқимиз бу кўмакни сира унутмайди, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси капитал қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудирининг ўринбосари, Туркиядан келаётган инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилишни ташкил этиш ва тақсимлаш республика комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоси А. Азимбеков. — Тайёраларда 3200 тонна озиқ-овқат, болалар кийим-кечаклари, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар келиши кутилмоқда. Республикамиз аҳолиси буларнинг ҳаммасидан анъанавий Наврўз байрами арафасида баҳраманд бўлади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.



Суратда: юкларни тушириш пайти.

В. МИЛЕНЬКИЙ сурати.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАВЕРСИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони «Хенел индастриз ЛТД» консорциумининг ижрочи директори шайх Холид Аҳмад Али Ризони 29 февраль куни қабул қилди.

Дўстона ва самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони ўртасида иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари ўрнатиш ҳамда ривожлантириш масалаларига катта аҳамият берилди. Бу алоқаларнинг узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли бўлишини таъминлаш истаги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти меҳмонга республикамизнинг имкониятлари, унинг ноёб табиий бойликлари ҳақида ҳикоя қилди. Афсуски, улардан ҳанузгача тўлиқ фойдаланилмаяпти. Гап шундаки, Ўзбекистон узоқ вақт собиқ Иттифоқнинг ҳом ашё етказиб берадиган мустамлака ўлкаси бўлиб келди. Тайёр маҳсулот, ҳатто халқ истеъмол моллари ҳам бошқа минтақалардан келтирилди.

Биз эндиликда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги технология линияларини барпо этишни муҳим вазифа қилиб қўймоқдамиз. Мустақиллигимизнинг асосий мақсади ҳам республиканинг барча бойликларидан халқимиз манфаати йўлида фойдаланишдан иборат.

Суҳбат чоғида қўшма корхоналар барпо этишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришда ана шундай корхоналарнинг аҳамияти беқиёс эканлиги уқтирилди. Бу, биринчидан, ортиқча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш, иккинчидан эса тайёр маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини яратади.

Икки давлат ўртасида мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам тилга олинди. Республикамиз фуқароларини Арабистонга малака ошириш учун юбориш таклифи мамнуният билан қабул қилинди.

И. А. Каримов Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида барча соҳаларда амалий алоқаларни ривожлантириш иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни қарор топтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Шайх Холид Аҳмад Али Ризо кўрсатилган иззат-ҳурмат ва эътибор учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати, — деди у, — жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқдаки, бундан биз жуда мамнунмиз. Бизнинг мамлакатимиз Ўзбекистон билан ўрнатиладиган ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкам бўлишига катта аҳамият беради, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланади.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Э. Боқибоев, Ўзбекистон Республикаси миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов иштирок этдилар.

Саудия Арабистонидан келган меҳмон ва унинг ҳамроҳлари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улар Самарқанд ва Бухорога ҳам сафар қилиб, қадимий меъморчилик обидалари билан танишдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ЕВРОПАГА ЙЎЛ

И. А. КАРИМОВнинг Хельсинкига ташрифи якунларига доир

Аввал маълум қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Финляндия ҳукуматининг таклифига биноан 25 февраль куни Хельсинки шаҳрига борди.

Финляндия пойтахти тайёрагоҳида Президентни Финляндия ташқи ишлар вазири Пааво Вяюрюнен кутиб олди. Тайёрагоҳда Президент Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Раҳмон Набиев иштирокида қисқача матбуот конференцияси бўлди. Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон Республикасининг демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Шу куни кечқурун Финляндия савдо ва саноат вазири Кауко Юхаантало Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи актини имзолаш учун Хельсинкига келган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлиб кирган беш мамлакат — Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина давлат бошлиқлари шарафига қабул маросими уюштирди.

26 февраль куни эрталаб Президент Ислом Каримов Финляндия Президенти Мауно Койвисто билан учрашди. Президентлар Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида бўлажак сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик режаларини муҳокама қилдилар ҳамда суҳбат натижаларидан мамнун эканликларини баён этдилар. Президентларнинг ўзаро мулоқоти қанчалик самарали бўлганини тасаввур этиш учун муҳим бир тафсилотни келтириш кифоя: суҳбат охирида ҳар иккала Президент гувоҳлигида Ўзбекистон Республикаси билан Финляндия Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси номидан ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини Фотиҳ Тешабоев ва Финляндия томонидан — ташқи ишлар вазири Пааво Вяюрюнен имзо чекдилар.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумат делегацияси қисқа муддатли сафарнинг бирор дақиқасини ҳам бой бермади. Ислом Каримов Президент саройидан чиқиб, яна бир муҳим тадбирга — Финляндия марказий саноат уюшмасига шошилди. Уюшманинг фармойишчи директори жаноб Иоханнес Корома ва Финляндиянинг бошқа ишбилармон кишилари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Президент Каримов Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудрати катта эканини айтди. Финляндия ишбилармонлари билан жуда кўп соҳаларда ўзаро фойдали ва ғоят кенг миқёсда алоқалар ўрнатишимиз мумкин, деб алоҳида таъкидлади Президент. Финляндия ишбилармонлари вакиллари собиқ СССР ўрнида ташкил топган мустақил давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси билан бўлажак иқтисодий алоқалар жуда муҳим эканини эътироф этдилар. Собиқ Совет Иттифоқи билан бўлган иқтисодий алоқалар узилиб қолгани Финляндия савдо ва саноат аҳли учун катта қийинчиликларни юзага келтирди. Ана шу иттифоққа кирган, аммо бугунги кунда ўз тақдирларини ўзлари белгилаётган мустақил давлатларнинг очиқ ва ошкора сиёсат тутаётгани, айниқса уларнинг ўзаро манфаатли муносабатларга майл билдираётгани Финляндия ишбилармон доираларида катта умид уйғотмоқда. Расмий суҳбатлар ва дўстона фикр алмашувлар чоғида шу нарса аён бўлдики, Финляндиянинг енгил саноати Ўзбекистон хом ашёсидан кенг фойдаланиши мумкин ва бу борада шартномалар тузиш учун катта имконият мавжуд.

26 февраль куни чошгоҳда Финляндия бош вазири Эско Ахо Хельсинкига етиб келган олий мартабали меҳмонлар шарафига нонушта берди.

Асосий воқеа тушдан кейин бошланди. Президент Каримов тушган машина кейинги 15 йилдан кўпроқ вақт мобайнида шуҳрати оламга кетган «Финляндия» саройи томон йўл олди. Маълумки, 1975 йилнинг 1 августида бу масканда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи акти имзоланган ва шу тариқа мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорликка хизмат этадиган янги бир олижаноб сиёсий ҳаракат юзага келган эди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг ўнлаб давлат байроқлари қаторига яна беш давлат — Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина байроқлари қўшилди. Тантанали маросим чоғида давлат бошлиқлари, вазирлар, элчилар, нуфузли жамоат арбоблари, юзлаб мухбирлар ҳозир бўлдилар.

Маросим аввалида Финляндия Президенти Мауно Койвисто олий мартабали меҳмонларни қизғин табриклади. (Унинг нутқи рўзномамиз кечаги сонида эълон қилинди).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи актига ватанимиз номидан имзо чекди. Кейин у «Финляндия» саройининг минбарига чиқди. Президентимизнинг нутқи қарсаклар билан кутиб олинди. Бу маросим шу куниёқ Финляндиянинг телевизион каналларида ва жаҳоннинг таниқли телекорпорацияларида кўрсатувларида намойиш қилинди.

Сиёсий шарҳловчилар Осиё қитъасида жойлашган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиб кирганида катта рамз борлигини таъкидладилар ва Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий харитасида нуфузи ўсаётганини эътироф этдилар. Ўзбекистон Президентининг нутқида таъкидланган тинчлик, аҳиллик, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларига кафолат бериш принципларига алоҳида аҳамият берилди.

Тантанали маросимдан кейин бўлган суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов бугун Ўзбекистон учун тарихий кун бўлди, деди ва Хельсинки кенгашига аъзо бўлиб киришни Ўзбекистон халқининг истиқболи йўлида қўйилган муҳим қадам деб баҳолади. Суҳбат асносида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Финляндия Президенти Мауно Койвистога ҳам мурожаат этди ва ундан Финляндия—Ўзбекистон келажак алоқаларига муносабатини сўради. Президент Койвисто Ўзбекистон билан бўлажак мулоқотларга катта умид ва ишонч билан қараётганини изҳор этди. Собиқ СССРнинг тарқалиб кетганлиги сабабли бизга ўзимизнинг иқтисодий ва тижорат борасида олиб бораётган сиёсатимиз асосларини тубдан қайта кўриб чиқамиз, деб таъкидлади. Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида барча соҳаларда яхши ва самарали муносабатлар ўрнатиш учун тўла асослар бор.

Тантанали маросим тугагач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Финляндия парламентида бўлди. Парламент спикери Илкка Суоминен олий мартабали меҳмонга парламентнинг тарихи ва тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Президент Ислом Каримов Финляндия парламенти мажлислар залини кўздан кечирди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида у Ўзбекистон парламенти билан Финляндия парламенти ўртасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадга мувофиқ бўлишини айтди.

Шундан кейин парламент биносида Хельсинки Якунловчи актига имзо чеккан беш янги давлат раҳбарларининг матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов журналистларнинг МДҲ тақдири ҳақидаги саволига жавоб берар экан, МДҲнинг умри унга аъзо бўлиб кирган давлатларнинг нечоғли масъулият ва ҳалоллик билан сиёсат юритишларига боғлиқ деб таъкидлади. Агар ҳамма давлатлар барча соҳаларда ўзаро тенглик принципларига амал қилишса, ҳамкорликнинг умри узоқ бўлиши мумкин. Президентимиз Ўзбекистоннинг Туркия йўлига мойил эканини яна бир марта таъкидлаб айтдики, бу мамлакатларнинг шарт-шароитлари ўзаро жуда ўхшаш. Очиқ бозор муносабатларига ўтиш Туркиянинг жуда қисқа муддат ичида оёққа туриб олишига ёрдам беради. Ўзбекистонни мавжуд танглик ҳолатидан тезроқ чиқиб олишида биз қардошларимизнинг тажрибасига таяниб иш кўрамиз, деди Президент Каримов.

Мухбирларнинг қўшни мусулмон мамлакатлари билан бўлажак алоқаларга доир саволларига жавоб берар экан, Ислом Каримов Эрон, Покистон ва шу минтақадаги бошқа мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар катта самара беришига ишонч билдирди. Айни вақтда у Ўзбекистон ҳамма билан ҳам ўзаро тенг ва очиқ сиёсат олиб боради, биз нафақат қўшни мамлакатлар билан, балки дунёдаги бошқа барча мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, деб айтди.

Президент Ислом Каримов бошчилик қилган Ўзбекистон делегацияси 27 февраль куни эрта тонгда Тошкентга қайтиб келди.

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.

Хельсинки — Тошкент.

Болалар—жамиятнинг бебаҳо бойлиги

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш муаммолари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатининг мавзуи бўлди. Унда БМТ болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ мутахассислари гуруҳи, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ҳукуматларининг вакиллари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар қатнашдилар.

БМТ болалар жамғармасининг мутахассислари минтақанинг бир қанча районларида бўлиб, бешала республика олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳолисона манзарасини кўрдилар. Улар учрашув қатнашчиларига болаларнинг турмуш даражасини яхшилаш, экология, соғлиқни сақлаш, таълим муаммоларини ҳал этиш хусусидаги ўз тавсияларини айтиб бердилар. Сафар давомида тўпланган материаллар БМТ кўриб чиқиши учун тақдим этилади, сўнгра донор мамлакатлар ва йирик халқаро ташкилотлар бу маълумотлар билан танишадилар. Шу маълумотлар асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига ёрдам беришнинг муфассал режаси ишлаб чиқилади.

— Бозорга йўналтирилган иқтисодга ўтиш давлатларингиз учун осон бўлмайди, — деди учрашувда ЮНИСЕФ ижрочи директорининг ўринбосари Ричард Жоли. — Бундай иқтисодга ўтиш, аввало, аҳолининг кам таъминланган табақаларига, болаларга, аёллар ва кексаларга таъсир қилувчи оқибатларга олиб келади. Мамлакатларингиз аҳолининг ана шу тоифаларига катта ёрдам бераётгани халқаро даражада эътироф этилган. Аммо биз жаҳон ҳамжамияти ёрдамисиз сизнинг бу ишни уддалай олишингиз қийин эканини тушундик. Сизлардаги соғлиқни сақлаш, экология, таълим тизимининг энг оғриқли нуқталари ошкоралик билан кўрсатилганлиги учун миннатдорчилик билдирамиз.

ЮНИСЕФ мутахассислари гуруҳи Семипалатинскдаги ядро синовлари оқибатлари билан, Оролбўйида дахлдор жуда кескин масалалар билан, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш муаммолари билан танишдилар. Биз халқаро ташкилотларни Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларига энг кўп ёрдам беришга қизиқтириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз. Одамийлик ёрдамини шу ернинг ўзида энг оқилона ва самарали тақсимлаш таъминланади, деб умид қиламан.

Учрашув қатнашчилари Ўрта Осиё минтақасида истиқомат қилувчи халқлар тарихи ва маданиятининг муштараклиги кўпгина масалаларни биргаликда ҳал қилишга мажбур этади, деб таъкидладилар. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари номидан БМТ Бош котиби номига, манфаатдор халқаро ташкилотларга ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида ёрдам бериш ва инсоннинг энг биринчи эҳтиёжларини қондириш соҳасида ёрдам беришни истаётган мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатномада бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин даврида қисқа муддатли фавқулодда ёрдам кўрсатиш жаҳон ҳамжамиятидан илтимос қилинган. Шу билан бирга минтақа соғлиқни сақлаш соҳасида доимий ёрдамга ҳам муҳтож. Бу ишда ҳаётий муҳим тиббий дори-дармонлар етказиб беришга, шунингдек, овқатланиш муаммосини, сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва оқар сувларни тозалаш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишга асосий эътибор бериш зарур. Мурожаатномада яқин вақт ичида ЮНИСЕФ мутахассислари тўплаган материалларга асосланган мидлий дастурлар қабул қилиниши таъкидланган. Халқаро ёрдамни тақсимлашни мувофиқлаштириш учун беш давлат ҳукуматларининг ва БМТ манфаатдор ташкилотларининг вакилларидан махсус гуруҳ тузишга қарор қилинди.

Беш республика соғлиқни сақлаш вазирлари ҳамкорлик тўғрисидаги Тошкент Мурожаатномасини имзоладилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов иштирок этдилар.

(ЎзА мухбири).

МЕЪМОРЛАР АНЖУМАНИ

28 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси меъморларининг XIII қурултойи бўлди.

Ўзбекистон меъморлар уюшмасининг раиси Т. Қодировнинг ҳисобот маърузасида ва нотиқларнинг нутқларида республика меъморлар уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари, икки қурултой оралиғида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида гапирилди.

Делегатлар Ўзбекистон Республикаси меъморлар уюшмасининг янги низомини қабул қилдилар. Унда мазкур ижодий уюшма мустақил ташкилот бўлгани, ўз дастури ва тузилмаларига эга эканлиги қайд этилган.

Қурултойда ташкилий масала кўриб чиқилди. Муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси меъморлар уюшмаси раиси этиб Ф. М. Ашрафий сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. С. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. А. Назаров қатнашдилар.

(ЎзА).

ЖОЙЛАР МУНОСИБ НОМЛАНСИН

Инсоният тарихи, ҳаётий тажрибалари табиат ва жамиятдаги кўпгина нарсаларга, жойларга алоҳида ном топиш зарурлигини кўрсатди. Бу номларнинг ижодкори эса халқ бўлди. Шунинг учун ҳам бу номларда халқнинг қадимий ўтмиши, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, хўжалиги ва турмушининг турли қирралари, кишиларнинг узоқ ўтмишидан то шу бугунгача бўлган маданий-маънавий, диний-фалсафий, ахлоқий қарашлари акс этган бўлади. Улар ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи, маданияти, урф-одатлари, расм-русмлари, ўзига хос ўлмас анъаналари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Жой номлари авваламбор тил хазинаси, лисоний ёдгорликдир. Бунга сабаб, биринчидан, бу номлар ўзбек тилининг мулки, иккинчидан, номларнинг аксарияти тилимизда жуда қадимий даврлардан мавжудлигидир. Кўҳна тарихда яшаб ўтган аждодларимиз ижод қилган юпғина номлар бизгача эсон-омон етиб келган. Айрим жой номлари шу ерда яшовчиларнинг ўтмишда шуғулланган касб-кори ҳақида қизиқарли маълумотлар берса, айримлари ўлкамизнинг ерости бойликлари, геологик қазилмалари ҳақида хабардор қилади,

Эндиликда мана шу номларнинг халқ тарихи ва маданияти учун аҳамиятини тан олиш ва қайд этишнинг ўзигина кифоя қилмай қолди. Улар кишиларнинг ҳимоясига, алоҳида ғамхўрлигига муҳтож бўлиб турибди. Чунки кейинги йилларда она тилига, унинг тарихи, ўтмиш қадриятларимизга лоқайд муносабатда бўлиб қолдик. Ном бериш ва танлашда тил қонуниятидан эмас, балки сиёсатдан, кўр-кўрона тақлиддан келиб чиққан ҳолда иш тутиш бутун мамлакатда бўлганн каби Ўзбекистонда ҳам кўпгина қадимий номларнинг истеъмолдан чиқишига, зўракилик, шафқатсизлик билан йўқ қилинишига сабаб бўлди. Натижада ота-боболардан удум бўлиб келган ном бериш анъаналари қўпол равишда бузилди.

Республикамиздаги кўпгина қадимий қишлоқлар, маҳаллалар, кўчалар, гузарларнинг эски номлари эндиликда йўқ. Улар эскилик сарқитлари, диний расм-русмларга қарши кураш шиори остида янги номлар билан алмаштирилди. Булар тилнинг чинакам фожеаси бўйруқбозлик, зўравонлик режими амалга оширган мафкуравий номбозлик сиёсати оқибати бўлди. Жойларни шахс номи билан аташ шу даражада удум бўлдики, натижада машҳур, атоқли ҳисобланувчи ҳар қандай шахснинг номи жой ёки объектларнинг номига айланаверди. Буларнинг ёнига жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг олимлари, сиёсий арбоблари, ҳатто спортчиларининг номлари ҳам қўшилди. Шунисн ажабланарлики, бундай номлар республикамизда кўплаб қайтарилади,

Шу тариқа асрлар давомида ўз тилининг ижодкори бўлган халқнинг фикри четга суриб қўйилди, ижод қилишдан маҳрум этилди. Одамларда жой номларига нисбатан бепарволик кайфияти шакллана борди. Шу туфайли кишилар учун номнинг қайси тилга мансублиги, қайси тилда ёзилиши аҳамиятсиздек бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, халқнинг ном бериш соҳасидаги асрий қимматли тажрибалари инқирозга юз тутди.

Яхшиямки бахтимизга Ўзбекистон Республикаси ўз тилига эга бўлди. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилди. Шу комиссия таркибида топонимия комиссияси иш бошлади.

Жой номларининг илмий-амалий муаммолари билан шуғулланаётган бу комиссиянинг мақсади мустақил республикамиз ҳудудидаги жой номларида миллийликни, миллий-лисоний ўзига хосликни тиклаш, тарихий-маданий аҳамиятга молик номларни асраш, ҳуллас, Ўзбекистоннинг миллий харитасини яратишдан иборат.

Куни кеча Тошкентда республика топонимия комиссиясининг жой номлари муаммоларига бағишланган илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти президиуми раиси Н. А. Муҳиддинов бошқарди. Комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Фандар академияси тилшунослик институти директор ўринбосари, филология фанлари доктори Э. А. Бегматов «Жой номлари — тарихий-маданий ёдгорлигимиз» мавзуида маъруза қилди.

Кенгашда сўзга чиққан кишилар жойларни муносиб номлар билан белгилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон республикаси ҳудудида жойларни ва бошқа хил географик объектларни номлаш қоидаларини келишиб олдилар. Қабул қилинган қарорда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча тарихий номлар маданият ёдгорлиги деб ҳисобланиши кераклиги ва уларнинг даҳлсизлигини муҳофаза қилиш умумдавлат аҳамиятига эга эканлиги эътироф этилди.

Б. МАНСУРОВ.

• ҚИШЛОҚ ШЎРОСИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК? •

ҲАЛ ЭТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

ҲОЗИРГИ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тизимимиз тубдан ўзгараётган бир пайтда беистисно ҳамма соҳада ишни қайта қуришни, шароитга мослашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ишлаб чиқаришни бозор муносабатларига ўтказишдаги дастлабки босқичнинг ўзиёқ олдимизга бир қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Назаримизда биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган масала бошқарувни такомиллаштириш эканлиги равшан бўлиб қолди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг эскича қолиши амалда мумкин эмас. Демак, бу ўз-ўзидан бўғинларнинг ҳамма табақаларига ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, энди жойлардаги кенгашлар, хусусан қишлоқ шўролари қандай бўлиши, иш юритиши керак, деган савол туғилиши табиий.

Тўғри, биз рўзномамизда яқин ойлар ичида бу ҳақда бир қатор мақолалар, мутахассислар, муштарийларнинг мулоҳазаларини эълон қилдик. Бу мақолалар яхши кутиб олинди-ю, ишда ўзгариш бўлмади. Аммо энди бу масалага масъулият билан ёндашмоқ керак. Яқинда биз бир қатор районларда бўлдик. Кўпгина мутахассислар, қишлоқ шўроларининг раислари билан суҳбатлашдик. Қуйида ана шу суҳбат иштирокчиларининг фикрлари, таклифлари ва ана шу сафар давомида туғилган мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз. Мақсад янги шароитда қишлоқ шўролари ишини тўғри ташкил этишга хизмат қилишдир.

* * *

Бу муҳим масала юзасидан гапни бошлашдан олдин қишлоқ шўроларининг бугунги аҳволи тўғрисида қисқача тўхталсак. Очиғини айтиш керак, сўнгги йилларда қишлоқ шўролари ҳуқуқини кенгайтириш, ваколатини мустаҳкамлаш учун ҳукумат томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди, қонунлар чиқарилди. Аммо шуларга қарамасдан, уларнинг ишини чуқурроқ кузатган киши ҳамон шўролар жуда ночор аҳволда қолаётганлигига амин бўлади. Гап қишлоқ шўроларининг нуфузи, обрў-эътибори ҳақида борар экан, аввало уларга қонундаги ҳуқуқ ва ваколатлардан амалда фойдаланиш имконини бериш кераклигини айтмоқчимиз. Чунки бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор. Ҳамон ана шу янги шароитда иш юритишга ўтаётган эканмиз, бир нарсани аниқ қилиб олиш шарт. Хўш, умуман қишлоқ шўроси керакми? Агар керак бўлса, у қандай иш юритиши лозим?

Биринчи саволимизга қайтсак. Қишлоқ шўроси керакми? Биз ана шу сафар давомида қишлоқ районларида шўроларнинг зарурлигини тан олдик. Чунки бу ташкилотга каттадан-кичик барча турли масалаларда (уларнинг ичида оилавий ишлардан тортиб ижтимоий, сиёсий муаммоларгача бор) мурожаат қилади ва жавоб кутади. Лўнда қилиб айтганда аҳоли яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам биринчи бўлиб эшик қоқадиган жойи ана шу қишлоқ шўроларидир. Буни қишлоқда яшайдиган киши жуда яхши билади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, қишлоқда аҳолининг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб турадиган, унинг юриш-туришидан, турмушидан бохабар бўладиган бирор бир ташкилот ҳам керак-ку. Шу нуқтаи назардан Янгийўл районидаги Эски Қовунчи қишлоқ шўроси раисининг ўринбосари Ҳадича опа Соатованинг фикрлари эътиборга лойиқ.

— Бугун бу ҳақда жуда кўп гап бўлмоқда, — дейди Ҳадича Соатова. — Айримлар очиқдан-очиқ бу ташкилотнинг ҳожати йўқ, ҳар бир ҳудуддаги корхона, муассаса, жамоа ёки шўро хўжаликлари мавжуд муаммоларни ҳал этиб бераверсин, фуқаролар билан ишласа мумкин, демоқдалар. Йўқ, масала улар ўйлаганчалик содда эмас. Аксинча, бирор колхоз ёки совхоз, корхона ва ташкилот фақатгина ўз аъзоси ва ишчисининг манфаатини ҳимоя қилади. Қишлоқ шўроси эса бутун фуқароларнинг оғир-енгилидан хабар олади. Энди қишлоқ шўроси йўқ деб тасаввур қилайлик. Нима бўлади?

Биргина Эски Қовунчи қишлоқ шўросининг ҳудудида 3 мингдан ортиқ хонадонда 19 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ичида ногиронлар, ёлғизлар, фахрий-ногиронлар ва бошқа табақа кишилар борки, уларнинг барчаси қишлоқ шўросига мурожаат қилади ва шўро ёрдам кўрсатади. Узоққа бормайлик, мана бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юқоридаги табақа фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича асосан қишлоқ шўролари иш олиб боришмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам қишлоқ шўроси ечишга ҳаракат қилмоқда. Фуқароларни (ҳеч қаерда ишламайдиган оналар ва бошқалар) купонлар билан қишлоқ шўролари таъминлаяпти. Булардан ташқари бошқа қилинадиган ишлар ҳам кўп. Чунончи, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ҳисобини олиб бориш, келинкуёвларни никоҳлаш, фуқароларни паспорт билан таъминлаш, аҳолидан солиқлар йиғиб бориш,. уларга турли идораларга олиб боришлари учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб, тасдиқлаб бериш ва ҳоказо. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, бу вазифаларни қишлоқ шўроларисиз ким ҳозиргидек амалга ошириши мумкин? Менимча, бу масалага чуқурроқ ёндашиш талаб этилади.

Опанинг гапларига қўшилмасдан илож йўқ. Гарчанд, ҳамма жойда бошқарув аппарати ўзгараётган бўлса-да, қишлоқларда шўроларнинг зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аммо бизга қолса уларни янада кучайтириш, ишини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)да белгилаб берилган ваколатлар билан таъминлаш керак. Ана шундагина қишлоқ шўролари қишлоқдаги ҳақиқий бошқарув бўғинига айланади. Афсуски бунга эришиш йўлида бир қатор ғовларни олиб ташлаш керак бўлади. Биз суҳбатда бўлган қишлоқ шўролари раисларининг деярли барчаси ана шу муаммо оқсаётганлигини тилга олишди. Гап қишлоқда зарур бўлган бу ташкилотнинг обрў-эътибори ҳақида бораётир.

— Мен 20 йилдан буён шўро соҳасида меҳнат қилиб келаман, — дейди Қибшади. Бу қишлоқ шўроси ишидаги муаммоларнинг кичик бир бўлаги, холос. Хўш, аҳвол шундай бўлса қишлоқ шўросининг обрўсини ошириш мумкинми?

Ҳа, бу гапларда жон бор. Лекин қизиғи шундаки, ана шу колхоз, совхоз раҳбарлари ҳокимиятнинг бирор ҳужжати ёки рухсати зарур бўлганда ана шу қишлоқ шўроларига мурожаат қилишади, минг илтимос билан ёрдам беришни сўрашади. Аммо бошқа пайтларда уларга ўз ҳукмларини ўтказмоқчи бўладилар. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Ваҳоланки, Конституцияда халқ депутатлари маҳаллий шўролари шу территорияда жойлашган ва юқори идораларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қонунларига риоя этиш устидан назорат қилишлари, уларни ердан, сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, аҳолига ижтимоий, маданий-маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ва назорат қилиш ваколатлари аниқ ёзиб қўйилган. Буни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, ана шу юқоридаги кўрсатаётган кадрларнинг деярли 50—60 фоизи мутлақо бошқа касб эгалари бўлиб, улар қишлоқ шўроси ишининг моҳиятини, унинг ҳақ-ҳуқуқини ва вазифаларини тўлиқ билмайдилар. Буни сафар давомида жуда кўп қишлоқ шўролари раисларининг ўзлари ҳам тан олдилар. Айниқса, ҳозирги шароитда қишлоқ шўросига ҳар қачонгидан ҳам зукко, тажрибали раҳбар зарурдир.

Иккинчидан, қишлоқ шўросини ҳақиқий бошқарув бўғинига айлантириш тўғрисида гап борар экан, унинг ўз бюджети, маблағи бўлиши шарт. Чунки бюджетсиз, маблағсиз ташкилот ҳеч қачон мустақил бўла олмайди ва шу ҳудуддаги муаммоларни ҳал этолмайди. Бошқача қилиб айтганда қишлоқ шўролари ўз территориясида барча масалаларга раҳбарлик қилиши, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режалари ва маҳаллий бюджетни тасдиқлаши, уларнинг бажарилишини назорат остига олиши керак. Унга бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, жамоа ва шўро хўжаликлари юқоридаги масалаларни ҳал этиш учун ўз бюджетининг бир бўлагини қишлоқ шўросига ўтказиши лозим. Ана шундагина мақсадга мувофиқ иш қилинган бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани алоҳида айтиб ўтиш керак. Бозор иқтисодиёти истаймизми, йўқми ўз қонунларини ҳаётга ўтказади. Мулкчиликнинг турли формалари жамиятга кириб келади. Мана бугуннинг ўзидаёқ қишлоқларда юзлаб фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, кичик корхоналар, турли ширкатлар ташкил этилмоқда. Ҳатто айрим жамоа хўжаликлари халқ корпорацияларига, ижара ёки фермер хўжаликларига бўлиниб кетмоқда. Эндиликда илгаригидек уларни марказлаштириб турувчи бошқарув аппарати ҳам барҳам топмоқда. Хўш, уларни ким назорат қилиб, бошқариб туради. Масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу борада Янгийўл районидаги Шўралисой қишлоқ шўроси раиси Жўра Шодмонқуловнинг фикрлари ўринли туюлади.

— Қишлоқларда бошқарувни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди Жўра Шодмонқулов. — Менинг фикримча, оралиқдаги барча бўғинларни камайтириш, керак бўлса улардан воз кечиш лозим. Барча масалаларни қишлоқ шўросининг ўзи ҳал этиши ва назорат қилиб бориши лозим. Ана шундагина Президент томонидан қабул қилинаётган фармонлар ва ҳукумат қарорлари қуйида тезроқ ўз ижросини топади. Бугунги кунда бизда унинг акси бўляпти. Қарор ёки фармон эълон қилинади, уни бажарувчи эса аниқ кўрсатилмайди. Шу тарика у охирига етиб бормайди. Бунга аҳолини ер билан таъминлаш, шахсий чорва хўжаликларига ем-хашак тарқатиш ва бошқа фармонларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лўнда қилиб айтганда қишлоқнинг «хўжайини» кўпу, амалда масъулиятни бўйнига оладиган ташкилот йўқ.

Бу фикрни ўрганиб чиқса арзийди, деб ҳисоблаймиз. Ҳар холда нима учун ушбу муаммоларни бевосита қишлоқ шўролари зиммасига юклаш, тўлиқ ваколатни уларга бериш мумкин эмас. Агар шундай қилинганда мақсадга тезроқ эришилар эди-ку!

Қишлоқ шўролари ҳақида гап борар экан, уларга сайланган депутатлар ва доимий комиссиялар тўғрисида фикр билдирмасдан илож йўқ. Очиғи, бизнинг бўлиб ўтган янгича сайловлардан умидимиз катта эди. Чунки ниҳоят халқ ўз депутатини ўзи танлаб, сайлаш имкониятига эга бўлган эди. Афсуски, бу сайловлар ҳам ишончимизни оқламади. Ҳамон қишлоқ шўроси депутатларининг савияси пастлигича қолди. Бунинг устига уларнинг деярли 70—75 фоизи бирон масалани ҳал этиш қўлидан келмайдиган кишилар бўлиб, масъулиятни ҳис этмайди ҳам. Доимий комиссиялар тўғрисида ҳам шундай десак, янглишмаган бўламиз. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Умуман, қишлоқ шўроларига 40—50 депутатнинг, 7—8 та доимий комиссиянинг кераги бормикан? Бизнингча йўқ. Аксинча қишлоқ шўроларида бўлиш, уларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашиш давомида шундай хулосага келдикки, бу иш усулидан ҳам мутлақо воз кечиб, қишлоқ шўроларида бевосита ижро билан шуғулланадиган мутахассисларни кўпайтириш керак. Ана шундагина қишлоқ шўросининг нафи халққа кўпроқ тегади. Ўз-ўзидан хўжакўрсин учун ўтказилаётган қишлоқ шўроларининг сессиялари тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Лўнда қилиб айтганда, давр, шароит, тузум ўзгариб бораётган бир пайтда қишлоқ шўролари ҳаётида ҳам тубдан ўзгариш ясаш керак. Уларни шундай ташкилотга айлантириш лозимки, улар ҳақиқатан ҳам қишлоқларда бошқарув бўғини бўлиб хизмат қилсин, халқ билан ишлашда, маҳалла қўмиталарининг ишини мувофиқлаштиришда, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда, қишлоқларни иқтисодий ривожлантиришда ўз ўрнига, нуфузига эга бўлсин. Зеро, энди бундан бошқа йўл йўқ. Аксинча бу вазифаларни бажара олмас экан, бу ишни қилиши мумкин бўлган бошқарув бўғинига ўз ўрнини бўшатиб бериши керак.

Ф. РАИМҚУЛОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгашининг катта референти.
Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси Шўролар ҳаёти бўлимининг мудири.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚРИМ ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

Украина Олий Кенгаши Раёсати Қрим халқига ва Олий Кенгашига мурожаатнома қабул қилди. Кейинги вақтда, дейилади мурожаатномада, муайян сиёсий кучлар Қрим автономияси мақомини ўзгартиришга чақирмоқдалар. Бу аслида Украина чегараларини қайта кўришга уринишдан иборатдир. Раёсат Қрим халқига Қрим конституциясини ишлаб чиқишнинг барча масалаларига босиқлик билан ёндашиш, Украина халқининг ижтимоий тинчлиги ва муросаси тўғрисида ўйлаш керак, деб мурожаат қилади.

АРМАНИСТОН АРМИЯСИ БЎЛАДИ

АРМАНИСТОН Мудофаа вазирлиги мунтазам миллий армияни тузишга киришди. Вазирлик барча арман зобитларига ватанга қайтиб келиш ва арман армияси сафларига туришни даъват этди.

РОССИЯ ВА УКРАИНА ПУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КИЕВДА Украина ва Россия федерацияси парламентлараро комиссиясининг мажлиси тугади. Мажлис миллий пул бирликларини муомалага киритиш шартларини келишиб олиш муаммосига доир ҳужжатни имзолади.

Ҳужжатда шундай дейилади: қонуний тўлов воситаси сифатида пулдан фойдаланиладиган зонада собиқ СССР ҳудудидаги мавжуд ҳамма пуллар СССР бўлиниб кетиш пайтида тегишли ҳудудларда бўлган сумма миқдорида давлатлар ўртасида тақсимланиши керак. Украина ва Россия ҳудудларида бўлган пуллар уларнинг ўз мулки ҳисобланади.

Томонлар миллий валюталарни жорий қилиш тўғрисида шартлашиб олдилар. Ҳужжат Украина ва Россия парламентлари томонидан кўриб чиқилади ва улар тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

ШЎРОЛАР ТУГАТИЛАДИМИ?

ЧУВАШИСТОНДАГИ вазият умуман кўпгина минтақалардагига қараганда анчайин тинч, деб таъкидлади Россия федерацияси Олий Кенгаши раиси Руслан Хасбулатов бу республикага қилган икки кунлик сафари якунларига тўхталиб. Россия парламенти бошлиғи Чувашистон халқ депутатларининг ҳозирги вақтда Шўроларнинг роли тўғрисидаги савол-ларига жавоб бериб, шундай деди: «Шўроларга қарши курашиш — қандайдир янги тоталитаризмни қарор топтириш демакдир. Шўролар мамлакатимизда халқ ҳокимиятининг бирдан-бир шаклидир».

ТАЪСИС ҚИЛИНДИ

МИНСКДА Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг электроэнергетика кенгаши таъсис қилинди. У собиқ СССР ҳудудида ягона электр энергетика майдонини сақлаб қолишга ёрдам беради, деб айтди кенгаш доимий ижроия қўмитаси раиси В. Жангиров.

ШИФОХОНАДАН ҚОЧДИ

КЕЙИНГИ вақтларда турли жойлардан қочиб кетишлар ҳақидаги хабарларга биз ажабланмай қўйдик. Ҳарбий қисмлардан, тергов изоляторларидан ва ҳатто қаттиқ режимдаги турмалардан қочиб кетишмоқда. Лекин Қозонда яқинда қайд қилинган бу ҳодиса ҳаммасидан ошиб тушди. Қозон травматология олийгоҳи реанимация бўлимидан қочиб кетган бемор ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйди. У бу ерга бошида ўлим хавфи туғдираётган жароҳатлар билан келтирилган эди. Ҳаётда биринчи марта учраган бу ғайритабиий ҳодисага милиция ходимлари аниқлик киритишди. Маълум бўлишича, қочоқ ашаддий алимент тўламаётганлардан экан. «Жиноятчи» ота тиббий ҳужжатлар расмийлаштирилаётган пайтда ўзининг кимлиги маълум бўлиб қолишидан чўчиб, ҳушига келар-келмай, изини йўқотишга қарор қилган.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

• *Хотира* •

ЯХШИЛАРНИНГ ЧИРОҒИ ЎЧМАСИН



ЕШЛИГИНИ кишилар эшигида меҳнат қилишдан бошлаган Тўрахўжа ота боғ яратишни жуда ҳуш кўрарди. Шунинг учун Камарган қишлоғидаги Шамсиддин хўжа eридан ажратиб берилган бир неча таноб ерга боғ барпо этди. Кейинчалик уни кенгайтириб, ҳар хил мевали дарахтлар билан тўлдирди. Кўп ўтмай бу ер Тўрахўжа боғи номи билан машҳур бўлди. Оиланинг тўнғич фарзанди Муллажон 1926 йили ана шу ерда дунёга келди. Лекин тез орада Тўрахўжа ота ўзи барпо этган боғни ташлаб, бир гуруҳ кишилар билан адир қўйнида янги ерларни ўзлаштириш учун отланди.

Ўн икки оила ҳозирги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Навоий номли участкасининг бир чеккасида ертўла кавлаб, яшай бошладилар. Турмушнинг машаққатларига қарамай, Тўрахўжа ота ўз укалари Раймбой, Ғаниой билан мардона меҳнат қилишди. Келган йилнинг ўзида адирга сув олиб келиб, ариқ атрофларига тол, терак, жийда навдаларидан қаламча ўтқазишди. Орадан икки йил ўтгач, одамлар ертўлалардан чиқишиб, гувалакдан қад ростлаган уйларга кўчиб ўта бошлашди. Бу орада Тўрахўжа ота оиласида Ҳабил, Ваҳоб, Набижон, Муборак каби фарзандлар бирин-кетин дунёга келдилар.

Бир куни отахон ўз дилбандларини йиғиб:

— Сизлар туфайли менинг чироқларим ўчмайдиган бўлди. Бу ҳаёт жуда мураккаб, ундан одимлаш жуда машаққатли. Мен омонатимни бугун-эртага топширадиганга ўхшайман. Муллажон, сенга укаларингни ишониб қолдираяпман, — деди.

Ёш Муллажон отаси вафотидан кейин аввалига шошиб қолди. Лекин, суяги меҳнатда қотганлиги боис тез орада ўзини қўлга олиб, меҳнат қўйнига шўнғиб кетди. Бу орада қишлоқларга одамлар кўчиб кела бошлашди. Навоий номли жамоа хўжалиги тузилиб, ёш Муллажон ука ва сингиллари билан онаси раҳбарлигида ишга киришдилар.

1944 йили жангга отланган Муллажон Тўрахўжаев 1950 йилгача армия сафида бўлди. Ҳаётнинг энг оғир синовларидан муваффақиятли ўтган ёш йигитнинг тинч меҳнат қучоғида иккинчи ҳаёт йўли бошланди. Одамларга яхшилик улашиб, сидқидилдан меҳнат қилишни юрагига тугиб қўйганди. Отаси ета олмаган орзуларини бунёд этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, меҳнат қила бошлади. Қийинчиликларга дуч келганида ҳам одамлар учун меҳнат қилиб яшашни ўз бахти деб билди.

Дастлабки пайтлар Навоий номли жамоа хўжалигида котиб, сўнгра бош агроном бўлиб ишлади. 1969 йилдан эса ўзи туғилиб ўсган «Коммунизм» жамоа хўжалигига бош агроном бўлиб ишга ўтди. 1970 йилдан 1981 йилгача шу хўжаликка раислик қилди. Ўша йиллар жамоа хўжалиги ноҳиядаги илғор хўжаликлар қаторида тилга олинадиган бўлди. Жамоа хўжалиги пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлар ва давлатга топширарди. Бу эса жамоа хўжалиги аъзоларининг турмуш шароити яхшиланишига олиб келди. Шуни айтишади-да, яхши ишлаган яхши яшайди деб. Бунда хўжалик раҳбарининг уддабуронлиги, одамлар билан топишиб кета олиши ҳам муҳим роль ўйнади.

Муллажон ака фақатгина хўжалик аҳли билангина эмас, балки, ноҳия раҳбарлари ва деҳқонлар билан ҳам тезда тил топишарди. Чунки, у ўзининг пахтачиликда тўплаган тажрибаси, билими орқали ҳар бир одам билан баҳслаша оларди. Шунинг учун ҳам уни ноҳиядаги барча йиғилишларда раёсатга сайлашарди. Ўндан қўплаб маслаҳатлар олишарди.

Бешафқат ўлим уни ҳаёт билан эрта видолашишга мажбур этди. У 64 ёшида вафот этди. Аммо шунга қарамай кўпгина ишларни амалга оширди. Муллажон ака 1971 йилдан 1982 йилгача ноҳия Кенгаши депутатлигига сайланди. Меҳнатлари эвазига эса бир неча нишонлар билан мукофотланди. Тўққизинчи беш йиллик илғори бўлган. Давлат режаларини муддатидан илгари бажаргани учун Тошкент вилояти раҳбар органлари қарорига биноан Муллажон ака номи вилоят фахрий олтин китобига ёзилди.

1981 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонига сазовор бўлди. Ўзининг бутун умрини пахта етиштириш, ундан юқори ҳосил олишга бағишлаган Муллажон аканинг шогирдлари ҳозирги кунда унинг ишини давом эттиришмоқдалар. Ажойиб инсон сифатида ҳам у одамлар қалбидан чуқур ўрин олган эди. Унинг номи тилларда, дилларда қолди!

Муллажон акани хотирлаб эсга олган кишилар унинг меҳнатсеварлиги, одамохунлиги, ўз ишига фидоий, шогирдларига ғамхўрлиги ҳақида тўлқинланиб гапирадилар.

— Муллажон ака ажойиб инсон эди, — деб хотирлайди шу жамоа хўжалиги аъзоси Абдурасул Хўжаахмедов. — У кишининг тинимсиз ҳаракатлари билан хўжаликнинг Самарқанд ва Қозоқовул участкалари электрлаштирилди. Иккита саккиз йиллик мактабларга қўшимча бинолар қурилиб, ўрта мактабларга айлантирилди. Ҳамма участкалар водопроводлаштирилди. Хўжалик тўлиқ радио ва телефонлаштирилди. Участка йўллари асфальтланиб, Алимкент қишлоғи билан жамоа хўжалиги оралиғига автобус қатнови ташкил этилди. Жамоа хўжалиги ҳисобидан кўплаб уй-жойлар қуриб берилди. Шунинг учун унинг номини доимо алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз...

Ҳа, Мулла ака Тўрахўжаев ана шундай меҳнаткаш, бутун умрини хўжаликнинг ободонлиги ва равнақи учун сарфлаган инсон эди. Унинг бу сифатларини ҳозир фарзандлари Муҳаббат, Матлуба, Содиқжон, Мўътабар, Муяссар, Олимжон ва Акмал давом эттиришмоқда.

Жонкуяр инсоннинг номини абадийлаштириш учун 160 киши имзо чекиб, «Зарбдор» қишлоқ кенгаши раҳбариятига мурожаат қилишди. Лекин уларнинг илтимослари қудуққа тушган тошдай йўқ бўлиб кетди.

Адолатли замонамиз бошланиб, ҳамманинг елкасига кун тегадиган замон келди, деганимизда, бундай лоқайдликка барҳам бериш керак. Яхшиларнинг чироғини ўчиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Буни англаб етиш пайти келди.

П. ЭРГАШЕВ,
М. ТОЖИБОЕВА,
Оққўрғон ноҳияси.

• *Акс садо* •

«ЁЛҒИЗ ОНА! БУ — УНВОНМИ ЁКИ?..»

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасида чоп этилган мазкур мақола юзасидан ижтимоий таъминот ишларидаги бир мутахассис сифатида мен ҳам ўз фикримни билдирмоқчиман.

Айниқса, рўзноманинг шу йил 14 февраль сонида Гулбаҳор Даминованинг ёзганларини ўқиб ҳайратландим. Бундай салбий мулоҳаза бизнинг ноҳиямиздан билдирилганлиги ғашимга ҳам тегди.

«Менинг ҳам никоҳсиз туғилган икки яшар ўғлим бор, мен жуда бахтиёрман» — деб ёзибди Гулбаҳор.

Мақола муаллифи Д. Саидовни мактуб орқали ҳақорат қилиш бахтиёр одамнинг қўлидан келмайди, бу фақат жоҳил одамнинг қўлидан келади, деб ўйлайман.

Гулбаҳор «мен бахтлиман» дейишдан олдин ўғлининг бахтини ўйлаши керак эди. Фарзанди эртаиндин ўсиб-улғайгач: «Менинг отам ким, у қаерда?» — деб сўраши муқаррар-ку, ахир!

Давлатнинг бераётган нафақасини «садақа» дейиш ҳам нотўғри. Бу нафақалар давлатимиз хазинаси тўлиб-тошиб кетаётганлигидан эмас ёки Гулбаҳор сингари аёллар бошқа туғмай қўймасин, деб ҳам эмас, балки аҳолининг мазкур табақасини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида тўланмоқда.

Бизнинг Қорасув ноҳиямиз ҳудудида 300 дан зиёд «ёлғиз она»лар бўлиб, уларнинг аксарият қисми ишлаб ойлик олади ва нафақага муҳтожлик сезишмаётганликлари кўриниб турипти.

Гапнинг бўладиганини айтганда, «ёлғиз она»ларга жорий этилган имтиёзларга чек қўйишнинг пайти келди, деб ўйлайман.

Э. АРИСБЕКОВ,
Қорасув ноҳия ижтимоий таъминот бўлими мудири.

* * *

Мақолани ўқиб, шу хатни ёзаяпман. Мақолада айни менинг кўнглимдаги гаплар битилган. Ёлғиз она учун яратилган имтиёз шартми? Йўқ, мутлақо шарт эмас! Энди қуйидагиларга эътибор беринг. Ҳаммаси ҳаётий, бор гаплар. Биринчидан, ўзимнинг эрим. Мен ҳаётдан жуда куйган, тўйган аёлман! Аввалига фарзандларим турмади, кетма-кет тўрттаси нобуд бўлди. Фарзандли бўлсак қуйилиб қолар, деб чидадим. Ҳозир икки ўғил, бир қизим бор, лекин ҳамон ўша-ўша суюқоёқ. Ўзим ва оилам ҳақида ёзсам жуда кўп ёзишим керак. Мен «ёлғиз она» мавзусига қайтмоқчиман. Менинг эрим билан «дон олишиб» юрган икки нафар ана шундай «ёлғиз она»лар ҳамма шароитга эга. Мен эса қонуний никоҳим бор учун ва эрим меникида яшагани учун ҳеч нарсага эга эмасман. Ҳолбуки, уйимиз эрим учун меҳмонхона, холос. Ҳатто болаларим учун ҳам ҳеч қандай ёрдам олмайман давлатдан. Яна бир мисол.

Холамнинг келини ўн йил турмуш қуриб, фарзанд кўрмади. Икки йил аввал беш кунлик чақалоқ олиб асрашди. Чақалоқнинг ўз онаси, яъни студент қиз ўз розилиги билан гўдагини буларга берган ва уй шароитларини кўриб кетган экан. Энди эса сўраб келибди. Қийналаётганмиш, «мать одиночка»га тўғрилармиш. Эвазига анча пул олиб кетипти.

Яна қайтараман: «ёлғиз она»ни ҳимоялаб, имтиёз берувчи бундай қонуннинг ҳеч кераги йўқ!

Давлатимиз мустақил бўлди, эндиликда ўзбек хотин-қизларининг ор-номусини, ҳаё-ибосини сақлайдиган, оёқости қилмайдиган қонунлар қабул қилинса жуда яхши бўларди.

Сизга ҳурмат билан Холида АБДУРАҲМОНОВА,
Оққўрғон райони.

* * *

Д. Саидов бу мақолани жуда тўғри ёзган, мен унинг фикрига қўшиламан.

Мен бу муаллифнинг жуда кўп мақолаларини ўқиганман. Айтмоқчиманки, у кўпроқ ҳозирги вақтда ҳаётимизда бўлаётган воқеаларни ёзади. Шунинг учун ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозониб келмоқда.

Д. Саидовнинг ушбу мақоласига Гулбаҳор Даминова ўз фикрини билдирибди.

У ҳам балки ҳаёти яхши бўлмаганидан шундай ёзгандир. Лекин ҳаёти Гулбаҳорнинг турмушига ўхшаганлар камми? Нима учун улар бундай гапларни ёзмайди? Одамда озгина бўлса ҳам сабр-тоқат бўлиши керак. Ахир, «сабрнинг таги сариқ олтин», дейдилар. Гулбаҳорга ўхшаб бошқа аёлларимиз ҳам кўча-кўйда никоҳсиз бола орттириб юраверса, унда биз —аёлларнинг ҳайвондан фарқимиз қолмайди, ҳайвонларгина никоҳсиз туғиши мумкин. Мен шундай деб ўйлайман.

Гулчеҳра МУҲАМЕДОВА,
Ангрен шаҳри.

* * *

Мен умримда бирор газета ёки журналга хат ёзганман. Аммо «Тошкент ҳақиқати»да чоп этилган «Ёлғиз она! Бу — унвонми ёки?...» деган мақолага ўз фикримни билдирмоқчиман.

Ҳозир мустақиллигимиз ўз қўлимизга ўтган ва дунга қайтган бир пайт. Мақола муаллифига кўпгина аёлларнинг кўнглида ишониб ётган муаммоларни кўтариб чиққани учун катта раҳмат. Ҳаётда ҳар бир бола ўз ота ва ўз онасига эга бўлсин, деган тилакдаман.

Сизларга салом билан Ҳолида ЭРГАШЕВА,
Бўка ноҳияси.

* * *

Мақола муаллифи Дилмурод Саидов Мустақил Ўзбекистон жумҳурияти учун энг долзарб муаммони кўтариб чиққан. Раҳмат унга. Ахир, суюқоёқлар кўп йил қонунсиз фарзанд орттириб, кўпгина имтиёзлардан фойдаланиб келдилар. Ундайлар битта ёки иккита фарзанд кўриб, қатор имтиёзлардан фойдаланади, бунинг устига яна ҳукуматдан нафақа ҳам олади. Қонуний никоҳдан бир этак бола кўриб яшаётган оналар эса нима учун бундай имтиёздан фойдалана олмайдилар? Қани ҳақиқат? Ёки уларнинг айби қонуний эридан фарзанд кўрганидами?

Бизда аёлларни оналик бахтидан ҳеч ким маҳрум қила олмайди. Лекин бегона эркакдан ношаръий фарзанд кўриш бу — жамиятимизга, ўзбекона турмуш-турмушимизга сира мувофиқ эмас. Чунки халқимизнинг етти яшаридан етмиш яшаригача бундай туғилишни ҳаром деб билади.

Мақола муаллифи давлатимизнинг «Ёлғиз она»ларга бераётган арзимас «садақаси» ҳақида фикр билдирмоқчи эмас, афсус Г. Даминова мақоланинг мазмунига тушунмабди. Муаллиф Д. Саидов ёлғиз оналарга берилаётган имтиёзлар, енгилликлар ҳозирги мустақил Ўзбекистонимиз халқи учун номуносиб эканлиги ҳақида фикр юритган.

Мустақил Ўзбекистон диёрида нафақат ёлғиз она, балки болалар, қариялар уйлари ҳам бўлмаслиги керак. Бундан буён шу каби «унвон»ларга барҳам бериш вақти келди.

Гулнора МУРОДОВА,
Янгийўл ноҳияси, Нисбат қишлоғи.

ТАЙИНЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари Муҳиддин Муродуллаевич Муродуллаев Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Муҳиддин Муродуллаевич Муродуллаев 1953 йили Самарқанд вилоятининг Пастдаргом районида туғилган, ўзбек.

М. Муродуллаев 1975 йили Самарқанд Давлат университетининг механика-математика куллиётини тамомлаган. 1975 йилдан 1977 йилгача СамДУнинг ҳисоблаш марказида механик, программаловчи-математик вазифаларида ишлаган. 1977 йили Давлат хавфсизлик комитети органларига ишга кирди. СССР Давлат хавфсизлик комитетининг олий курсини тамомлади. Сўнгра Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитетининг Тошкент вилояти бошқармасида оператив вакил, Самарқанд вилояти бошқармасида катта оператив вакил, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1986—1988 йилларда жумҳурият давлат хавфсизлик комитетида катта йўриқчи, 1988—1990 йилларда бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. 1990 йилдан то ҳозирги лавозимга тайинлангунга қадар Ўзбекистон республикаси Давлат хавфсизлик комитети Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

МЕҲНАТКАШ ОВОРА БЎЛМАСИН

ҲОЗИРГИ иқтисодий таназзул шароитида моддий қийинчиликлар ҳуружи авжига чиқаяпти. Пул борган сари қадрсизланмоқда. Аҳолининг туриш-турмуши янада қийинлашмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда меҳнаткашлар учун қулай шароитлар яратиш, имкони борича оғирларини енгил қилиш, асабийликни камайтириш учун баҳоли қудрат интилиш ҳар бир идора ва ташкилот учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Лекин, минг афсуски, вилоятимиздаги бир қатор корхоналар, ташкилотларда ҳамон қоғозбозлик, қонунқоидаларни бузиш, меҳнаткашни оворағу сарсон қилиш давом этмоқда. Натижада одамлар юқори идоралар эшигини қоқиб боришга мажбур бўлишяпти.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашига ҳам кўп шикоятлар тушмоқда. Кенгаш ходимлари адолатни тиклаш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида кўлларидан келганча савобли ишлар қилишга ҳаракат қилмоқда.

Хўш, нега шундай бўлмоқда?! Нега меҳнаткашларнинг ҳақли талабларига айрим жойларда эътибор берилмаяпти. Баъзан ёш болали оналар гўдакларини кўтариб идора йўлакларида навбатда кутиб ўтиришади. Сўрасанг узоқ қишлоқлардан, шаҳарлардан келишган бўлишади. Асаблари таранг тортилган, ҳориган, чарчаган.

Биз шикоят хатлари, оғзаки мурожаатларни ўрганиб, умумлаштириб, шикоятбозликни, оворагарчиликларни камайтириш, адолатни тиклаш, қонунбузарликка қарши курашиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида бу масалани ўрганиб чиқишга қарор қилдик. Бир гуруҳ ходимларимиз шаҳардаги турли корхоналар, муассасаларда бўлиб аҳволни атрофлича таҳлил этдилар. Воқелик шуни кўрсатдики, кўпгина жойларда маъмурият, касаба уюшмалари белгиланган қонунларга риоя қилмайдилар, меҳнаткашлар манфаатлари ҳисобга олинмайди, ҳуқуқлари камситилмоқда.

Ҳатто, ишчи-хизматчи ишдан бўшаганда, буйруқни пойлаб неча кунлаб оворағу сарсон бўлади, меҳнат дафтарчаси вақтида берилмайди, натижада келишилган муддатда янги ишга кириша олмайди, неча ўн кунлаб вақти бекорга ўтиб кетади.

Чирчиқ шаҳар умумий овқатланиш трестида текширув олиб борилганда, қатор қоида бузарликлар аниқланди. Трест бўйича буйруқлар текширилди. Ошпаз З. Норматов 1991 йил 27 сентябрда ишдан бўшаш ҳақида ариза берган. 27 сентябрдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ 30 октябрда чиққан.

Буйруқ бир ой-у уч кун кечикиб чиққан. Бу билан фуқаро ҳуқуқий камситилган. Қонунчилик бўйича фуқаро сабабсиз ишдан бўшаган бўлса 21 кун, сабабли ишдан бўшаган бўлса бир ойгача узлуксиз меҳнат стажи сақланади. Демак, маъмуриятнинг айби билан З. Норматовнинг узлуксиз меҳнат стажи куйган. Хўш, шундай экан билса ҳозир, билмаса кейинроқ ҳуқуқини талаб қилмайдими?! Қилади, албатта! Ана, меҳнаткаш тақдирига эътиборсизлик!

Мазкур шаҳардаги 10-автотранспорт корхонасининг 3-автоколоннасига Турсунов Д. олти ойлик синов муддати билан 1991 йил 6 августдан ишга қабул қилинган. Ҳайдовчи 5 декабрдаги буйруқ билан 9 октябрдан ишдан бўшатилган. Эътибор беринг: буйруқ 5 декабрда чиқарилган, лекин бўшатиш муддати 9 октябрдан. Қайси мантиққа тўғри келади?! Демак салкам икки ой меҳнат дафтарчаси берилмаган, у бекор қолган. Ҳисоб-китоб пулини ола олмаган. Аввало ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқнинг ўзи ноқонуний бўлган. Яъни маъмурият уч ойгача синов муддати белгилаши мумкин. Ундан ортиқ бўлса касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги бўлиши керак. Қонунбузарликни қаранг, устига-устак касаба уюшмаси қўмитаси четлаб ўтилган.

Бундай мисолларни шаҳардаги бошқа корхоналар мисолида ҳам келтириш мумкин.

10-автотранспорт корхонаси ва умумий овқатланиш трестида яна бир қатор қонунчиликлар бузиб келинаяпти. Уларда вояга етмаган ёшларни ишга олиш ва чегараланган иш соати масаласида қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Масалан, 10-автотранспорт корхонасида вояга етмаган А. Козимов, А. Земсковалар ишга қабул қилинган. Лекин буйруқда уларнинг қисқартирилган иш соатлари кўрсатилмаган. Табелда бўлса катта ёшдагилар қатори тўла иш куни ёзилган. Ахир вояга етмаганлар учун қисқартирилган иш соати бекорга белгиланмайди. Унинг муҳим жиҳатлари, шу жумладан ёшлар соғлиғини муҳофаза қилиш масаласи ҳам ётади. Агар бирор кор-ҳол бўлса ким жавоб беради?! Тўғри, раҳбарлар, бундай ўртоқларнинг тегишли жазо олганликлари ҳақидаги воқеаларни кўп биламиз. Жазо ўз йўли билан. Лекин, бир ёшнинг соғлиғи, келажаги, турмуши нима бўлади?! Бу томони муҳимроқ эмасми?! Ходимларимиз умумий овқатланиш трестида бўлиб, ҳужжатларни текширганларида ҳам шундай камчиликларнинг гувоҳи бўлдилар.

Меҳнаткаш бир йилда бир марта меҳнат таътилига чиқади. Текширилганда шу нарса ҳам маълум бўлдики, муддатдан олдин ишга чақириб олиш ҳоллари кўп. Кейинчалик унга на ўрнига-ўрин дам олиш куни берилади ва на ўрнига пул берилади. Бу эса меҳнат таътили бўйича қонунчиликни қўпол равишда бузишдир.

Яна бир томони, ҳар бир корхонада йиллик меҳнат таътиллари жадвали ишлаб чиқилиши ва у касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилиши даркор. Лекин бу тартибга кўп жойда амал қилинмайди. Айрим корхоналарда икки йил ва ундан кўп муддатга меҳнат таътилига чиқмаган кишилар борлиги аниқланди.

Чирчиқ металл конструкциялар, 424-ихтисослашган кўчма механизациялашган колонна, умумий овқатланиш трести ва бошқа ташкилотларда таътил бериш тўғрисидаги буйруқлар кечиктириб чиқарилади. Натижада одамлар меҳнат таътили учун пулни таътилдан олдин, керакли вақтда ола олмайдилар.

Касаба уюшмалари қўмиталари бу масалалар билан яқиндан шуғулланишлари зарур. Ҳатто ўз мажлисларида муҳокама қилишлари, норозилик ҳоллари бўлса расмий суратда маъмуриятга билдиришлари ва талаб қилишлари керак. Меҳнат таътили кишилар соғлиғи муҳофазаси билан боғлиқ масала — демак бу ҳам меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашдир.

Корхоналарда кўнгилсиз «анъаналардан» яна бири дам олиш кунлари — шанба ва якшанба кунлари ишга чақиришдир. Бундай ҳолда маъмурият касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиши шарт ва бу қонун кучига эга. Лекин кўпгина корхоналар раҳбарлари ўзим хон, кўланкам майдон қабилида иш юритишдан ҳамон воз кечмаяптилар. Масалан, 424-ихтисослашган кўчма механизациялашган колоннада 1991 йил сентябрь ойининг ҳамма шанба, якшанбасида иш куни деб буйруқ чиқарилди ва бу қабилда иш тутиш одат тусига кириб қолган. Ахир бу меҳнаткашлар ҳуқуқларини камситиш-ку?!

Бу борада корхоналарнинг 10 ойлик фаолияти таҳлил этилди ва унинг натижалари ниҳоятда ачинарли. 10-Автотранспорт корхонасида электрон-ҳисоблаш машинасининг дастурчиси З. Шоюсупова 1991 йилнинг июль ойининг ўзида ишдан ташқари пайтда 60 соат ишлаган ва бундай мисоллар талайгина.

«Чирчиктеплокоммунэнерго» ташкилотидан ҳам бу каби мисолларни келтириш мумкин. Чирчиқ металлконструкциялар заводида 11 ой ичида дам олиш кунларида ишлангани 2728 соатга етган.

Ҳа, кўпгина корхоналарда ходимлар ишлаб чиқариш заруратя деб шанба, якшанба кунлари, ишдан кейин ишга жалб этилаяпти. Ваҳоланки, булар жойларда меҳнатни ташкил этишнинг, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг паст даражаси оқибатидир. Ишчи-хизматчиларни қонуний дам олиш кунларидан бебаҳра қилиш, ишдан кейин ишга чақириб безор қилиш меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига, кўпдан-кўп шикоятбозликларга сабабчи бўлмоқда. Шу билан бир қаторда кадрлар қўнимсизлиги кўпайишига таъсир кўрсатмоқда. Ҳордиқ вақтида ишга кўп жалб этиладиган ташкилотларда ишловчилар қўнимсизлиги кўпроқ бўлаётганлиги сир эмас. Масалан, кадрлар қўнимсизлиги умумий овқатланиш трестида 16, 10-автотранспорт корхонасида 19,1, шаҳар савдо ташкилотида 21,4, Чирчиқ металл конструкциялар заводида 26,4 фоизни ташкил этмоқда.

Қиссадан ҳисса деганларидек, текшириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Чирчиқ шаҳридаги корхона ва ташкилотларда қонуний меҳнат муносабатларини таъминлаш талаб даражасидан орқада.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, касаба уюшмалари вилоят тармоқ қўмиталари меҳнат қонунчилигига риоя қилиш устидан етарли назорат ўрнатмаганлар. Бунинг оқибатида қуйи ташкилотларда бу борадаги ишлар бўшашиб кетган. Меҳнат ҳақидаги қонунчиликни қўпол равишда бузаётган хўжалик раҳбарларига нисбатан қатъийлик қилмаяптилар, уларга қонун юзасидан жазо чораларини кўрмайдилар. Тармоқ қўмиталари жойларга бориб ҳуқуқий масалаларда лозим даражада таргибот ишларини олиб бормаяптилар. Ҳуқуқий йўриқчилар имконияти кўчма маслаҳат йиғилишлари ўтказиш усулларидан ёмон фойдаланмоқдалар.

Яқинда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раёсатида бу масала, яъни Чирчиқ шаҳридаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда хўжалик органлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталарининг қонуний меҳнат муносабатларини таъминлаш бўйича ишлари кўриб чиқилди. Унда камчиликларга нисбатан муросасиз бўлинди ва асосий эътибор уларни бартараф этишга қаратилди.

Касаба уюшмалари, хўжалик, ташкилот раҳбарларининг ҳуқуқий билимлари қурилаётган демократик жамият талабларидан ниҳоятда орқадалиги кескин айтилди. Бу катта моддий ва маънавий зарар етказаётгани қайд этилди. Қарорда тармоқ мутасаддилари ҳуқуқий билимларни ошириш юзасидан қисқа ўқувларни ташкил этишлари зикр этилди ва юз бераётган камчиликларга барҳам бериш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

Биз бу қарорларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатамиз. Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу борадаги ишларни бошқа район ва шаҳарларда ҳам ташкил этамиз. Бундан кейин меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кенгашимизга келаётган шикоятлар, аризалар, оғзаки мурожаатларни ўрганиб, умумлаштириб, текширув гуруҳларини ташкил этамиз ва бу ишчил, амалий йўлни давом эттираверамиз.

Д. ЖАҲОНГИРОВА,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

«Биз камбағал эдик!»

—дейдилар 67 ёшли онам Ҳамдинисо Толиб қизи

Қаровчим бўлмагани боис 5—6 ёшларимдан бошлаб, мени онам эргаштириб олиб юрардилар. Ҳозир ҳам онам билан гаплашиб ўтирганимизда, уларга тегишли бўлган, аммо мен сира-сира кўрмаган боғ ҳақида сўрайвераман. Онам ҳам гапни доимо боғни тасвирлашдан бошлайдилар:

— «Таҳминан бир ярим— икки гектарча келарди. Меванинг ҳар турлисидан топиларди. Ҳатто, тол, терак, қайрағочлар ҳам қаторлаштирилиб экилган бўлиб, толни ишком қилувчиларга, теракларни иморат қураётганларга, қайрағочни аравасоз, бешикчи усталарга сотар эдик. Боғимиз шаҳарга яқин «Бақаштепа» (ҳозирги Юнусобод даҳасидаги жой)да эди. Эрта баҳордан кеч кузгача боғда бўлардик. Қишлигимиз ҳам ўша ердан чиқарди. Сигир, бузоқ, қўй-қўзи, товуқларимизгача, ҳатто битта араваси билан эшагимиз ҳам бор эди. Бир туп катта, қари ёнғоғимиз ҳосилию соясини, боғдаги ҳовузнинг таърифини мен айтмай, сен эшитма. Ойим раҳматли ҳар ҳафта битта қўй сўярдилар. Хуму хумчалар ун-гуруч, ёғ билан тўла эди. Буғдой, жўхори ҳам экардик. Қишга яқин, йиғим-теримдан сўнг сенлар ўсган шаҳар ҳовлига қайтардик. Ёнғоқ, майиз, туршак, қоп-қопу, сандиқ-сандиқ бўлиб, ангурхонамиз турли мевадан тиқилиб кетарди. Кунда-кунора нон ёпиб, сомса қилиб, норину шилпилдоқхўрликлар бўларди.

Боғимизда етишган мевалардан қўни-қўшнига улашардик. Ҳозирги «Миробод» бозорига олиб келиб сотардик. Айниқса, «Бақаштепанинг узуми», деса одамлар талашиб, олишарди. Сут-қатиқнинг ўзимизу қўшниларидан ортганини ҳам сотардик. Э, нимасини айтай болам!..»— дейдилар чуқур «уҳ» тортиб.

— Бувим колхозчи бўлганликларини ҳам айтиб беринг,— дейман суҳбатни давом эттириш учун.

— Янглишмасам, бувинг раҳматли 1936 йили колхозга кирганлар. Ўша вақтда колхозимиз «Икромов» номида эди. Қатағон бошланган. К. Маркс бўлди. 40-йиллар бошларида бўлса керак, К. Маркс ва Ворошилов колхозлари бирлаштирилди. Мен билган раислардан икки нафари эсимда қолган: Ҳидоят Абдуллаев ва Ғуломмаҳмуд Абдуллаев. Эшитишимча, ҳозир ўша колхозга марҳум Ғуломмаҳмуд ака номлари берилиб, жуда савоб иш бўлибди. Бувинг раҳматли ўта меҳнаткаш эдилар. Розия хола (Мирзаахмедова) дейишарди. Менинг отам йўргакдалигимдаёқ ўлиб кетганлар. Бувинг колхозга аъзо бўлганларидан кейин бизни ўша ердагилар ичида энг камбағалларидан «ҳисоблаб», «батраклар фонди»дан менга ҳар ойда 30 сўм беришарди. Фамилиямни ҳам бувингнинг номидан келиб чиқиб, «Розияева» деб ёзишганди ўшанда. 30 сўм ўша даврда катта пул эди, болам. Бу пулга 5—6 та қўй берарди. Бувинг аёл бошига қарамай, тинимсиз меҳнат қилдилар. Ҳатто 1940 йилда илғор колхозчи бўлиб, Масковдаги қишлоқ хўжалиги кўргазмасида ҳам қатнашганлар. 1941 йилда эса уруш бошланиб қолиб, боролмаганлар. Колхозда бувинг қатори холанг, мен ҳам ишлаганмиз. Кейинчалик холанг колхоз ҳисобидан пенсия ҳам олдилар. У пайтдаги колхозлар зўр эди. Ўзининг дўкони бўларди. Колхозчиларга арзон нархда турли матолар сотиларди. Колхозчи меҳнат ҳақига мева-чевадан тортиб, сабзавотгача оларди...

— Боғингизни нима қилгансизлар?

— Биз-ку ҳеч нарса қилмаганмиз, шўро ҳукумати олиб қўйган. Ҳозир ўша боғлар ўрни текисланиб, қават-қават уйлар қурилган.

— Индамай олиб қўйверганми?

— Тўғриси, боғ ўрнига «Болтамозор» деган жойдан ер берилган. Лекин бувинг кўчишга унамадилар. Колхозга ўтмаган якка ҳўжаликларга қўшилишиб, яшаб юрдик. Қарийб 10—12 йил, яъни 1952 йилгача шундай кун кўрдик, кейин фақат қишда келиб турадиган шаҳар ҳовлимизга қайтиб муқим яшаб қолдик.

Энди ҳикоянинг давомию хулосасини баён қилсам.

Онам тилга олган шаҳар ҳовлини жуда яхши эслайман. 13 ёшимгача ўша ҳовлида яшаганмиз. Лекин уни ҳам кўп кўришди. 1975 йилда кўп қаватли уйлардан 4 хонадан иборат жой беришиб, ҳовлимизни бузиб юборишди.

Хўш, мен буларни нега эслаяпман? Чунки биргина бизнинг эмас, кўплаб юртдошларимнинг бошига тушган бу савдо. Ўз вақтида ҳам шаҳар, ҳам боғ ҳовлиси бўлган минглаб оилалар собиқ **шўроча тенглик сиёсати** касофати билан аввал боғларидан, кейин эса кундик қонлари томган ҳовлиларидан жудо бўлдилар. Бу боғлару ҳовлилар ўрнида қад кўтарган кўп қаватли уйларнинг пойдеворлари каби қалбимда мустаҳкам ўрнашиб қолди.

«Биз энг камбағаллардан эдик, болам! Боғимиз ҳам, шаҳар ҳовлимиз ҳам бор эди ўшанда!..»

Дилмурод САИДОВ.

1939 йилда бир миллионга етар-етмас аҳолиси бўлган Тошкент шаҳри ўттиз йил ичида икки миллиондан ортиқ аҳолиси бор йирик САНОАТ шаҳрига айланди. Бу — тарихий ҳақиқат! Ҳозирги кунда уй ололмай, сарсон бўлиб юрган минглаб туб аҳоли вакиллари бор. Шунингдек кечагина қайсидир бир юртдан келиб, умрида Тошкентни кўрмаганларнинг кўпчилиги тезда уйли-жойли бўлиб олмоқдалар. Бир мисол. Яқинда 19-ёшли асли Челябинскда туғилган, бундан 2 йилча аввал «тақдир тақозоси» билан Тошкентга келиб қолган ва қисқа муддат ичида кооператив уй-жойли бўлган ниҳоятда гўзал аёлнинг жасади ўз уйидаги ваннадан топилди.

Мен жиноий иш тафсилоти, қотил ким эканлиги ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. Балки атиги икки йил ичида уй-жойли бўлиб, Тошкентда «туп қўйиб, палак ёзишга» киришган ёшгина жувон қандай қилиб шаҳар рўйхатидан ўтдию, қайси маблағ ва қонунга биноан турар жойнинг эгаси бўлиб қолди, деган саволни сўрамоқчиман. Афсуски бу саволга пойтахт раҳбарияти жавоб беришга ожиз. Шунга айтсалар керак-да: «Шаҳар бедарвоза бўлгач, шоҳ ҳам келар, дайди ҳам» деб. Назаримда, бу масала неча йиллардан бери кўтарилаётган бўлса ҳам лекин амалий тадбирлар йўлга қўйилмаётир.

Онам: **«Ўша вақтда биз энг камбағаллардан ҳисобланардик. Бир ярим—икки гектарлик боғимиз, сигир-бузоқ, қўй-қўзи, товуқларимиз, ҳатто битта эшагимиз ҳам бор эди...»** деганларида ўша «камбағаллик даври»да яшамаганлигимга армон қилдим. Бу армон «Бақаштепа» ўрнида қад кўтарган кўп қаватли уйларнинг пойдеворлари каби қалбимда мустаҳкам ўрнашиб қолди.

«Биз энг камбағаллардан эдик, болам! Боғимиз ҳам, шаҳар ҳовлимиз ҳам бор эди ўшанда!..»

Дилмурод САИДОВ.



● **«ТОШШАҲТИКУВМАШИЙ» бирлашмасига қарашли «Баҳор» модалар ателъеси жамоаси нжара пудрати асосида ишлашга ўтгандан кейин меҳнатда яхши ютуқларга эришмоқда. Шахсий буюртмаларни тикиш муддатлари қисқариб, сифати яхшиланди. Ушбу суратларда ателъенинг илғор тикувчиларидан (чапдан) Шоира Тўраева, Ўктамхон Иноғомова ва Марина Мушеевваларни кўриб турибсиз.**

Суратқаш Р. ШАРИПОВ.



КАНОП МАҲСУЛОТИГА ЯНГИ НАРХ

МАЪЛУМКИ, каноп толаси халқ хўжалиги учун пахта толаси сингари зарур ва қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади.

Жумҳуриятимизда жут толаси бошқа давлатлардан олинмаётганлиги туфайли ҳам бу хом ашёга бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Бироқ, шунга қарамай кейинги йилларда каноп толаси етиштириш кескин камайиб кетди. Ўтган олти йиллик натижалар бизни сира қаноатлантирмайди. Шу давр мобайнида каноп толаси етиштириш 320 минг тоннадан 120 минг тоннага тушиб қолди. Агарда илгари 19 минг гектар майдонда каноп етиштирилган бўлса, ҳозир бор-йўғи 7,7 минг гектар майдонга каноп экилмоқда. Вилоятимизда каноп етиштириш ва давлатга каноп пояси сотиш режалари бажарилаётган бўлса ҳам, барибир деҳқоннинг манфаатдорлиги жуда суст даражада ошмоқда. Шундай бўлгандан кейин, табиийки, бу экинни экиш ва ҳосил етиштиришга қизиқиш кўнгилдагидек эмас.

Маҳсулотнинг камайиб кетиши саноат ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, кабель, мебель саноати, қоп-қоғонор матоларини ишлаб чиқарадиган фабрикалар, арқон, ип тайёрлаш билан машғул бўладиган корхоналарнинг фаолияти жуда ночор аҳволга тушиб қолди.

Бир неча хилдаги халқ хўжалиги учун зарур бўлган кабель калавалари умуман ишлаб чиқарилмаяпти.

Албатта, бундай аҳволнинг узоқ давом этишига йўл қўйиб бўлмайди. Деҳқонинг бу экинни экишдан манфаатдорлигини ошириш ғоят муҳим ҳаётий вазифа бўлиб қолди. Ҳукуматимиз буни ҳисобга олиб, 1991 йилда каноп пояси харид нархини оширган эди. Афсуски, бу чоранинг ҳам нафи кам бўлди. Чунки ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда бундай ҳолатда ҳам деҳқон каноп етиштиришда пахтага нисбатан анча паст даражада иқтисодий самарадорликка эга бўларкан. Шунинг учун ҳам канопчилик хўжаликларидаги деҳқонлар бу хилдаги экин майдонларини кўпайтиришга унчалик ҳаракат қилмадилар.

Каноп хўжаликларда, бригада жамоаларида пахта экини билан ёнма-ён етиштирилади. Сарф-харажатлар эса пахтага нисбатан анча кўп. Харид нархи эса паст. Масалан, Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли жамоа хўжалигида 1991 йилда бир гектар пахта майдонидан олинган умумий даромад 7638 сўмни ташкил этган бўлса, каноп-нинг даромади 5769 сўм бўлди. Соф фойда эса пахтада 2160 сўмни, канопчиликда 1606 сўмни ташкил этди. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда, албатта, деҳқон канопчиликдан кўра пахтачилик билан машғул бўлишни афзал кўради-да!

Жумҳурият қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят, ноҳия, деҳқончилик саноати бирлашмалари, айрим хўжаликлар мутахассислари ва ТОПО «Лубпром» раҳбарлари билан келишилган ҳолда каноп маҳсулотига янги нархлар ишлаб чиқилди. Каноп етиштирадиган хўжаликлар ТОПО «Лубпром» ташкилоти билан шартнома тузиб олдилар.

Жумладан, 1992 йил ҳосили учун бир тонна каноп пўстлоғининг (луб) нархи саноат сортига қараб қуйидагича белгиланадиган бўлди (минг сўм):

	I нав	II нав	III нав	IV нав
Пўстлоқ (луб)	13.000	11084.40	7841.60	
Каноп пояси	811	694	491	203

Уруғ етиштирувчи хўжаликларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида каноп уруғининг харид нархлари ҳам қайтадан кўриб чиқилди. Жумладан, бир тонна уруғга қуйидаги нарх тавсия қилинади: (минг сўм):

Элита	1 р	2р	3р	4р
61620	54600	47580	42900	39780

Булардан кўриниб турибдики, эндиликда каноп етиштирувчи хўжаликлар бор имкониятдан фойдаланиб, иложи бўлса экин майдонларини кенгайтириб, канопдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилишлари керак. Бунинг учун мавсумга пухта тайёргарлик кўриш, етарли ва сифатли уруғ тайёрлашлари лозим.

Т. СОН,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бош мутахассиси.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ, ДЕҲҚОНЛАР

ХАЛҚАРО МАҚОМДАГИ БАНК

Ўзбекистон пойтахтида яна битта бозор тузилмаси ташкил этилди — Осиё халқаро тижорат акционерлик банки таъсис этилди.

Банк муассислари «Тошкент» биржаси, Покистоннинг «Табани» концерни, Тошкентдаги «Интер — Азия» ва «Фарҳод» фирмалари, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банкидир. Улар янги банк моллар, хом ашё, хизматлар, кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар, ақлий меҳнат маҳсулотлари бозорини ривожлантиришга кўмаклашади, деб умид қилмоқдалар. Банк ишбилармонликни рағбатлантиришга, хорижий шериклар билан хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Банкка ўттиз уч ёшли иқтисодчи Асилбек Алматов бошчилик қилмоқда. У бошқарув раиси лавозимига танловда ғолиб чиқди, унда тўрт номзод қатнашди.

А. Алматов Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳида таълим олган. Унинг амалий тажрибаси катта — Тошкентдаги энг йирик трестлардан бири «Отделстрой» тижорат хизматининг раҳбари бўлган, сўнгра Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг Тошкент бўлимида ишлаган.

(ЎзА мухбири).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

КАМРАНДАН ЖУНАБ КЕТИШМОҚДА

● РУС тилида ёзилган бир неча дўконларнинг пештоқидаги лавҳалар ва ресторанлардаги таомномалар қачонлардир бу ерда собиқ Совет Иттифоқининг қўшинлари турганлигидан далолат бериб турибди. Зотан, Вьетнамдаги Камран бўғози СССРнинг бу мамлакатдаги энг катта ва муҳим ҳарбий-денгиз базаларидан бири эди. Ўтган йил ёзидан буён бу ерда жуда ҳам кам сонли совет солдатлари қолди, — деб хабар беради Рейтер ахборот агентлиги. — 1991 йил август ойида бўлиб ўтган давлат тўнтаришига уринишдан сўнг армия қисмларини Камрандан олиб чиқиб кетиш тезлашди.

Мазкур база Вьетнам — Америка уруши йилларида бунёд этилган эди. Денгизнинг кучли тайфунларидан муҳофаза этилган бу жойда Америка кемалари бекинишарди. Ҳарбий тайёрагоҳларда эса «В-52» бомбардимончи тайёралар турарди. Сал кейинроқ Камран совет ҳарбий-денгиз базасига айлантирилиб, у ерга СССР ҳарбий кемалари келади. «МИГ-23» тайёралари эса аҳоли тинчлигини буза бошлади.

Давр ўзгарди. Собиқ СССР қисмлари эндиликда қачонлардир гавжум бўлган Вьетнам портини ташлаб кетмоқдалар. Тахминан 4 минг кишидан иборат бўлган аскарлардан ҳозирга келиб бор-йўғи минг-тача одам қолди. Вьетнамликлар улар ҳам тез кунларда ўз ватанларига жўнаб кетишади, деб кутмоқдалар.

МЕТРОДА ПОРТЛАШДАН СЎНГ

● ЯҚИНДА Англия пойтахти Лондон метросининг «Лондон-Бриж» бекатида кучли портлаш рўй берган эди. Ўшанда 28 йўловчи оғир жароҳатланди. Куни кеча эса прокуратура жойлашган Лондон кўчаларидан бирида яна янги портлаш бўлди. Ассошиэйтед пресс ахборот агентлигининг хабар беришича, бу сафар бор-йўғи бир киши жароҳатланди, аммо бинога жуда катта зарар етказилди.

Янги портлаш Ирландия Жумҳурият Армияси деб аталган гуруҳ метрода бўлиб ўтган портлашга доир баёнот эълон қилганидан сўнг атиги бир неча соат ўтгач содир бўлди. Дублин шаҳрида тарқатилган бу баёнотда ИЖА раҳбарияти метродаги портлаш бўйича айбни полицияга тўнкаб, биз ўз вақтида уларни огоҳлантирган эдик, асосий мақсад одамларга эмас, моддий зарар етказишга қаратилган эди, дейилади баёнотда. Лондон полицияси эса ўз навбатида ИЖА баёнотини рад этиб, улар бизни бор-йўғи портлашга тўққиз дақиқа қолгандагина огоҳлантирдилар, деди.

Дублин полицияси портлашлар муносабати билан Францияда тўрт йиллик қамоқ жазосини ўтаб қайтган икки кишини ҳибсга олди. Бу кимсалар 1987 йилда Ливодан сотиб олинган қурол-яроғ ва ўқ-дориларни Францияга тегишли бўлган сув ҳудудларидан олиб ўтаётганларида қўлга тушган эдилар. Дублин терговчилари яқин кунлар ичида ирландиялик Жеймс Дохерти ҳамда Жеймс Коллани сўроқ қилиш ниятидалар.

«ТЕМИР ЭРИХ» УСТИДАН СУД

● ГЕРМАНИЯНИНГ иккинчи жаҳон уруши йилларида энг катта концентрацион лагерларидан бири бўлган Моабит шаҳрида собиқ Германия Демократик Жумҳурияти маҳфий маҳкамаси раҳбари Эрих Мильке устидан суд ўтказилмоқда. 84 яшар Э. Милькега Ғарбий германиялик террорчилар — РАФ гуруҳи аъзоларига ҳомийлик қилиш, ГДЖдан Ғарбий Германияга қочиб ўтиб кетмоқчи бўлган кишиларга қарата ўқ узиш, ўз лавозими ҳамда давлат мулкини суиистеъмол қилиш сингари айблар қўйилмоқда.

Суд залида бронлаштирилган ойнаванд аравачада ўтирган Э. Мильке жуда ҳам ачинли кўринишда. У доим ҳаёл оғушида бўлиб кўзини деярли очмайди. Суд бошлангандан буён у бор-йўғи бир-иккитагина жумла айтди: «Мени тинч қўйинглар! Ҳаммаси бўҳтон ва алдаш» деб олди, холос.

Ваҳоланки Эрих Милькени одамлар қачонлардир «Темир Эрих» деб аташарди. У ўттиз йил давомида ГДЖ маҳфий маҳкамаси — «штази»га раҳбарлик қилган эди.

НИШОНЛАШ ДЕБ БУНИ АЙТАДИЛАР


● АМЕРИКАНИНГ энг кўзга кўринган санъат юлдузларидан бири Элизабет Тэйлор яқинда олтмиш ёшга тўлди. У ўзи таваллуд топган кунни «ёшлик салтанати» деб ном олган Диснейлендда ўтказди. Ўрта аср либослари кийиб олган минглаб меҳмонлар башанг қилиб ясатилган дастурхон атрофида тўпландилар. Йиғилганлар ичидан, ширин сўзлар билан Элизабетни табрикладилар. Унинг ёнида ўттиз тўққиз яшар умр йўлдоши — Ларри Фортенски ҳам ҳозир бўлди. Таваллуд топган куни таассуротлари бир миллион долларга тушди.

ОДАМХЎР ЖЕРРИ ДАМЕР

● АМЕРИКА Қўшма Штатларининг Висконсин штатидаги Милуоки шаҳрида одамхўр Жерри Дамер деган киши устидан суд бўлиб ўтди. Унинг бутун айбларини исбот қилгунча тергов ходимлари анча қийинчиликларга дуч келдилар. Бироқ унинг айби ўз исботини топди. Маълум бўлишича, у ҳозиргача расман эълон қилинган 14 кишини эмас, балки 17 кишини ўлдирган экан. Ж. Дамер ўттиз ёшда бўлиб Милуоки шаҳрида истиқомат қилган. У асосан одам ўлдириш ва улар гўштини истеъмол қилиш билан шуғулланиб келган. Унинг оқловчилари аввало Ж. Дамерни жиннига чиқармоқчи бўлдилар. Бироқ мутахассислар текширувлар натижасида бу фикрни чиппакка чиқардилар. Ниҳоят суд ҳукми эълон қилинди. Висконсин штатида ўлим жазосига ҳукм этиш қонунда йўқлиги туфайли Ж. Дамер ўн беш карралик умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди. Йиғилганлар ҳукмни қарсаклар билан кутиб олдилар.

ХАЛҚНИНГ МИЛЛИЙ ҚИЁФАСИ ТИМСОЛИ

• *Мустақиллик майдонидаги бўлажак Озодлик обидаси ҳақида ўйлар* •



ДУНЁДАГИ ҳар бир халқнинг ўзига хос қиёфаси, кучқудрати, ақлу заковати ва маънавий-руҳий олами бор. Бу унинг бадиий ижодиётида, айниқса, санъатида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Шунинг учун биз халқимизнинг бой тарихи ва қонли фожиаларга тўла ўтмиши хусусида дард билан сўзлар эканмиз, ота-боболаримиздан ёдгор бўлиб қолган муқаддас китоблар ва меъморчилик обидалари бирин-кетин кўз ўнгимиздан ўтади. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Қўқон сингари кўҳна шаҳарларда сақланган осмонўпар миноралар, табаррук аждодларимиз хотирасига бунёд этилган мақбаралар, миллатимизнинг дину эътиқоди таянчи бўлган масжиду мадрасалар... халқимизнинг миллий ғурури ва қадриятларининг негизи бўлмиш бундай осори-атиқалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Аммо энди биз эртанги кунимиз қандай бўлади, деган саволга жавоб ахтаришимиз лозим. Айниқса, олдимизда жумҳуриятимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашдек оғир ва шарафли вазифа турган бир пайтда энг тўғри йўлни топиб олишимиз осон бўлмаслиги ўз-ўзидан аён.

Шу кунларда Ўзбекистон Меъморлари уюшмаси биносида намойиш этилаётган, келгусида пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо қилинадиган Озодлик обидасининг танловига тавсия этилган бир неча лойиҳалар билан танишар эканмиз, хаёлимизда ана шундай безовта ўйлар чарх уради. Бу ерда «Яшил тўртбурчак», «Олтин минора», «Паризод. Озодлик тонги», «Нур», «Ўзбекистон рамзи» каби шартли номлар билан аталган 14 та лойиҳа ўрин олган бўлиб, уларда меъмор-муаллифларнинг бу танлов мақсади ва вазифасини ўз билимлари, дунёқарашлари негизида идрок этишганлигининг гувоҳи бўламиз. Мустақил Ўзбекистон пойтахти бош майдонининг келгуси қиёфасини ҳар бир ижодкор ўзича тасаввур этган, албатта. Аммо бўлажак Озодлик обидаси халқимизнинг тарихи ва келажаги, миллий, диний урф-одатлари ва маданий анъаналарига ҳар жиҳатдан мос бўлмоғи, унда фақат бугунги куннинг қувонч ва ташвишларигина эмас, балки келажак авлодларнинг ҳам, муайян даражада бўлсада, орзу-мақсадлари ўз ифодасини топмоғи лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тилга олинган лойиҳаларга санъат асари талаблари асосида ёндашганимизда, уларнинг аксарияти анча камбағаллиги кўриниб турипти. Хусусан, «Паризод. Озодлик тонги» ва «Олтин минора»ни олиб қараганда, улар юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазаларимизни қамраб ололмайди. «Яшил тўртбурчак» эса...

Бу лойиҳанинг баёнида таъкидланганидек, у Мустақиллик майдонини яхлит бир комплекс сифатида қамраб олади. Унда меъморчилик, наққошлик, ҳайкалтарошлик санъати-ю муҳандис маҳорати, сўз қудрати-ю мусиқанинг сеҳри бир-бири билан уйғунлашиб кетади. Ижодкорлар ўз олдиларига улуғ мақсадни — ўзбек халқининг шонли ўтмишини ёрқин ифодалаб беришни, ўз обидаларида тарих ва келажакни фахру ифтихор билан мужассамлаштириб юборишни ният қилганлар. Бунинг учун анча қизиқ ва ўзига хос йўл танлаганлар.

Мустақиллик майдони — жумҳуриятимиз бош кентининг асосий майдони экан, унда халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи ўз аксини топиши лозим. Бу майдоннинг ўртасида жойлашадиган Озодлик обидаси тўртбурчакли минора шаклида бўлади. Юксак минора—Оллоҳга илтижо рамзи, қолаверса, халқ қадди-қоматининг тиклиги, мағрур ва жасурлигининг тимсолидир. Унинг ташқи томони оқ мармардан ишланади. Бўйи эса 140 метр атрофида бўлиб, энг замонавий техника асбоб-ускуналари билан жиҳозланади. Жума кунлари ва Ҳайит байрамларида ана шу минорадан ўқилган азон узоқ-узоқлардан ҳам эшитилиб туради.

Халқ Озодлик обидасини зиёрат қилиш учун уч йўлдан, яъни — ИЙМОН йўли (мажозий) — ҳозирги Ўзбекистон кўчасидан, ТАФАККУР йўли (Навоий кўчасидан) ва — КУРАШ йўли (Инқилоб хиёбони томонидан) кириб келади. Бу жуда катта рамзий маънога эга бўлиб, уни идрок этиш унчалик қийин эмас. Айни пайтда бу йўлларнинг ҳар бирига мос равишда ёдгорлик ва ҳайкаллар ўрнатилади. Хусусан, Иймон йўлига Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий сингари буюк олимларнинг ҳайкаллари ҳамда Қуръони карим, «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ», «Ҳикматлар» каби муқаддас китобларнинг шаклу-шамойилини ифодаловчи ёдгорликлар ўрнатилади. Тафаккур йўли атрофидан Форобий, Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Навоий сингари алломаларнинг ҳайкаллари ва улар томонидан яратилган «Ал-жабр ва ал-муқобало», «Ҳиндистон», «Тиб қонунлари», «Зижи жадиди Кўрагоний», «Хамса» каби дурдона китобларнинг тимсоллари ўрин олади. Кураш йўлида эса Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур сингари халқ қаҳрамонлари ва машҳур саркардаларнинг ҳайкаллари жойлашади. Бу йўлларни Мустақиллик майдони ва Озодлик обидаси туташтиради.

«Яшил тўртбурчак» лойиҳасининг яна бир фазилати шундан иборатки, унга нурманзара ҳосил қилувчи энг замонавий ёритгич мосламалари ўрнатилиб, зиёратчилар Озодлик обидасини кўриш билан бир қаторда бу ҳақдаги таърифу сўзларни мусиқа ёрдамида эшитадилар, шуурларига сингдирадилар. Ҳудди жаҳоннинг Қоҳира, Мехико, Париж, Самарқанд сингари кўҳна шаҳарларида бўлганидек, бу ерда ҳам нур-манзара орқали меъмор, муҳандис, ҳайкалтарош, шоир, бастакор, рассом каби ижодкорларнинг асарларидан баҳраманд бўлинади, ёш авлодга ҳалқимизнинг бой тарихи, маданият ва санъатимиз ютуқлари юзасидан муайян даражада тасаввур уйғотилади.


Лойиҳачилар режасига кўра «Баҳор» томошагоҳининг рўпарасида жумҳурият парламентининг биноси қурилади. Унинг қаршисида эса Тошкент шаҳар ҳокимининг идораси жойлашади. Мустақиллик майдонида халқимизнинг буюк саркардаси Амир Темурнинг тулпорда кетаётган сиймоси акс эттирилган ҳайкали ўрнатилади. Шу ўринда муаллифларга бир истагимиз бор: ҳайкалнинг лойиҳадаги кўриниши бизга Санкт-Петербургдаги Петр I ни эслатди, қолаверса, Амир Темурнинг қиёфасини яратишда таниқли тарихчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш лозим. Бундан ташқари, «Яшил тўртбурчак» минорасининг кўк билан туташган қисми мусулмончилик белгиси — ярим ой шакли билан тугаса мантиқан тўғри бўларди.

Амир Темур ўзи бунёд этган меъморчилик обидаларидан бирининг пештоқига: «Қудратимизга шубҳаи бўлса, биз қурдирган иморатларга боқ», деб бекорга ёздирмаган. Зеро, мустақил жумҳуриятимизнинг бош майдонида қад ростлайдиган Озодлик обидаси узоқ йиллар турли босқинчиларнинг жабру жафосини тортган бўлса-да, сабр-бардоши ва иродаси синмаган, ғурури, фахру-ифтихор туйғуларини йўқотмаган ўзбекларнинг миллий қиёфасини акс эттириши лозим. Шу боисдан бўлажак обидани яратишда шошма-шошарликка йўл қўйиш сира ярашмайди, уни бунёд этишда халқимизнинг барча илғор фикрли зиёлилари иштирок этиши, энг тўғри ва ўзига хос таклифистаклар инобатга олиниши керак. Токи Мустақиллик майдонида ўрнатиладиган ёдгорлик келажакка катта умид ва ишонч билан қараётган жафокаш халқимизнинг маънавий-руҳий қиёфасига ҳар жиҳатдан муносиб бўлсин.

Рустам ҒАНИЕВ.

● **СУРАТЛАРДА: «Яшил тўртбурчак» лойиҳасидан кўринишлар.**

Даврон АҲМАД суратга олган.





АНГИНА БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Ҳурматли муҳарририят!

Сўнгги пайтларда «Тошкент ҳақиқати» тиббий мавзуларда мақолалар беришни кўпайтирди. Уларни мунтазам ўқиб борямиз. Иложи бўлса, ангина ҳақида ҳам батафсил маълумот берсангиз. Катталар ҳам, болалар ҳам ундан азоб чекадилар. Хасталикни олдини олиш мумкинми? Умуман, бу дард нега бот-бот учрайди?

З. ЮСУПОВА,
Чирчиқ шаҳри.

Баъзан ҳалокатгача олиб борадиган ангина касаллигига кишилар орасида беписандлик билан қараш одат бўлиб қолган. Ваҳоланки, бу хасталик шунчалик «томоқ оғриғи» эмас, балки у юракка, жигарга, бўғимларга зиён етказиб, бошни ёстиққа «михлаб қўйиш» хусусиятига эга. Ангинани шифокор мутахассислар, олимлар уч турда учрашини тадқиқ қилганлар. Катарал, фоликуляр, локунар деб ном олган бу хасталик юқумли ҳам ҳисобланади. Савол билан мурожаат қилган мушгарий касаллик ҳақида тўлиқроқ баён этишни илтимос қилгани туфайли уларнинг ҳар бири тўғрисида тўхталиш ўринлидир.

Бемор фоликуляр ангина билан оғриганда бодом безлари яллиғланиб кетади, устида оқ-сариқ парда ҳосил бўлади. Лимфа безлари катталашиб, ушлаганда оғрийди. Ҳасталикнинг бу тури оғир кечади. Локунар ангина эса бундан ҳам оғирроқ ўтади ва узоқ давом этади.

Бирдан эт увишиб, тана зирқираб, ютиниш қийин бўлиб қолган жараён — бу катарар ангина туфайлидир. Касалликнинг бу хилида бемор ҳарорати 38—39 даражага етиши мумкин. Дармонсизлик, уйқусизликдан азоб чекади. Бунинг устига ҳолатида ҳам албатта шифокорга мурожаат этиш керак. Врачнинг тавсиясига биноан даволаниш лозим. Энг муҳими дард юқумли бўлганлиги туфайли беморни алоҳида хонада жойлаштириш зарур. Идиш-товоғини ҳам, сочиғини ҳам ажратиб қўйиш керак.

Хаста одам кунига томоғини 15-20 марта марганцовкали суюқ эритма, чой содаси солинган эритма, номокоб билан чайиб турса, касалликдан тез қутилади. Йод аралашмаси, фурацилин ҳам касалликни даволашга ёрдам беради. Беморлар кўпинча дарддан жарроҳлик йўли билан ҳам ҳалос қилинадилар.

Шуни айтиш керакки, ҳарорати тушгандан кейин бемор бўйинини иссиқ нарса билан ўраб юриши лозим. Лекин дардга чалингандан кўра унинг олдини олган маъқул. Танани иссиқ-совуққа чиниқтирган киши ҳеч қачон бу хасталикка учрамайди. Фақат яна бир нарсани таъкидлаб қўймоқчимизки, ангина билан ҳазиллаша кўрманг. У ўзига етгунча дард. Шуни унутмасангиз бўлди.

Жўра ХУЖАЕВ,
Тошкент вилояти саломатлик марказининг бош шифокори.

Шоҳра КОМИЛОВА,
шифокор.

Сўраган эдингиз

бодом безларининг яллиғланиши кучаяди. Томоқдан сув ўтиши ҳам қийинлашиб қолади. Дард 3—4 кун давом этса ҳам, азоби касалликка чалинган каттаю, кичикнинг чеҳрасини сўлғин қилиб қўяди. Ангинанинг мана шу турида нафас олиш қийинлашади, ҳарсиллаш, юрак ўйнаши пайдо бўлади. Даволовчи врачлар бу ҳасталикда беморнинг юзи шишиши, сийдиги лойқаланишини ҳам қайд этишган.

Касалликнинг ҳар учала

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ЯККА ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агарда Сиз транспорт хизматига муҳтож бўлиб қолсангиз, унда ҳеч ташвишланманг. Янгийўлдаги 2503-автожамланма жамоаси юк ташиш билан боғлиқ барча муаммоларингизни бирпасда ҳал этади.

Автожамланма республикамизнинг хоҳлаган минтақасига юкингизни етказиб беради. Бунинг учун унинг ихтиёрида қуйидагича таркибдаги юк ташиш транспортлари бор:

— ГАЗ-52 (усти очиқ ва ёпиқ);
— ГАЗ-53 (усти очиқ ва ёпиқ);
— ЗИЛ-138 (усти очиқ ва ёпиқ);
— ММЗ-4502 (тиркагичли ўзиагдаргич);
— ЛУМЗ-890 (музхонали);
— КАМАЗ-5320 (усти соябонли);
— КАМАЗ-5410 (шатакчи);
— КАМАЗ-5511 (ўзиагдаргич).

БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНИШГА ШОШИЛИНГ!

Ҳақ тўлаш нарх кўрсаткичлари бўйича ёки ўзаро келишилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Чариков кўчаси, 18. 2503-автожамланма. Маълумотлар учун телефонлар: 7-39-66, 7-67-06.

«СОВПЛАСТИТАЛ» СТИПЕНДИЯЛАРИ

Халқ истеъмол моллари ва ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқарадиган «Совпластитал» қўшма корхонаси Тошкент политехника дорилфунуни химия-технология факультетининг аълочи талабалари учун ҳар бири 200 сўмдан йигирмата махсус стипендия тайинлади. Бу стипендиялар маориф эҳтиёжларига қилинадиган бошқа хайриялар каби корхонанинг фойдасидан тўланади.

Шу йил бошланганидан буён «Совпластитал» Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 50 минг сўм пул ўтказди. «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» танловининг ғолибларини мукофотлаш учун шаҳар халқ таълими бошқармасига уч минг сўм берилди.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ВА БАЯН БЎЙИЧА ЁШ СОЗАНДА-ИЖРОЧИЛАРНИНГ VI ЖУМҲУРИЯТ ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

ТОШКЕНТ Давлат консерваториясида 1971 йилдан буён ўзбек халқ чолғулари ва баян бўйича ёш созанда-ижрочиларнинг жумҳурият танловининг ўтказилиши ўзига хос анъанага айланиб қолди. Танловлар нафақат ижрочи кучларнинг синови, балки ёш созанда-ижрочиларнинг маҳоратини аниқлаш, машаққатли мураббийлик ишининг якуни ҳамдир. Ижрочилик танловлари мусиқа санъатимизни янада юксалтириш борасида катта имкониятлар вужудга келтирмоқда. Улар ёш ўқитувчилар орасида ижодий ёндашувларни мустаҳкамлайди, ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликни такомиллаштиришда янги йўналиш ва изланишларни ижобий ҳал этиш имкониятини яратади.

Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад — ижрочи ёшлар орасидан иқтидорли ва моҳир мусиқачи-созандаларни танлаб олиш билан бирга уларнинг концерт-ижрочилик санъатида эришган ютуқларини кенг омма орасида тарғиб этишдир.

2—12 март кунлари ўтказиладиган ёш ижрочиларнинг VI жумҳурият танловида 45 нафар ёш созанда қатнашиш истагини билдирди. Улар Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан келишган. Бу йилги танлов ҳайъатига Ўзбекистон халқ артисти, композитор Сайфи Жалил раҳбар сифатида таклиф этилган. Бу беллашув улуғ бобомиз Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланади.

Танлов қатнашчиларининг ижро дастурлари Ўзбекистон бастакорларининг янги асарлари ҳисобига кенгайди. М. Бафоевнинг дутор ва оркестр учун ёзган «Жилолар», Ҳ. Раҳимовнинг қашқар рубоби ва оркестр учун концерти, Б. Гиенконинг баян ва оркестр учун концерт услубидаги асари шулар жумласидандир.

Яна шуниси эътиборга сазоворки, танловлар тарихида биринчи мартаба жумҳурият телерадио компанияси қошидаги М. Бафоев раҳбарлигидаги Д. Зокиров номли ўзбек халқ чолғулари оркестри ҳам танловга таклиф этилди.

Ёш созанда-иштирокчилар 10 кун давомида ижодий учрашувлар ўтказадилар, беллашувда ўз куч ва қобилиятларини синаб кўрадилар. Танловда биринчи марта қатнашаётган айрим ёш созандаларни таништириб ўтмоқчиман. Булар тошкентлик найчи Яйра Давлатова, андижонлик чангчи Дурдона Валиева, наманганлик прима-рубобчи Назира Турсунова, қорақалпоғистондан Бахтибой Сапарбаев (дутор), Тожикистондан Рустам Саидов (ғижжак), Қаршидан Шокир Ҳамроев (қашқар рубоби) ва бошқа ижрочилардир.

Танловда истеъдодли созандалар аниқланибгина қолмай, ўтган давр ичида вужудга келган замонавий ижрочилик муаммолари юзасидан ҳам баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади. Соз санъатини янада ривожлантириш, кўп овозли ижрочилик муаммоларини ҳал этиш, мусиқачиларга профессионал даражада таълим бериш, танлов нишондорларининг келажакдаги ижодий режаларини ҳал этиш каби масалалар хусусида қизиқарли суҳбатлар ўтказилади.

Бинобарин танлов ғолибларини шартли равишда тақдирлаш назарда тутилган. Бастакорлар асарлари энг яхши ижроси учун Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг махсус совриини таъсис этилган. Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси эса ёш ижрочига «Умид» совриини ташкил этган. Ўзбек халқ қўшиқларининг юқори савиядаги ижрочиси учун М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг махсус иккита совриини ажратган. Яна бир муҳим мукофот — I даражали диплом билан тақдирланганлар мусиқа илмгоҳларига танловсиз қабул қилинадилар. II ва III даражали дипломи билан тақдирланганлар эса фақат битта, яъни мутахассислик бўйича имтиҳон топшириш имтиёзига эга бўладилар.

Ёш ижрочи-созандалар олдида машаққатли курашлар, омадли кунлар, ижодий изланишлар турибди. Буларнинг ҳаммасини истеъдод эгаларининг тинимсиз меҳнат, улкан маҳорат ва сабр-матонат билан ҳал этадилар.

Танлов қатнашчиларининг раҳбар-мураббийларини ҳаяжонли дамлари, ҳайъат аъзоларининг самимий олишувлари ҳали олдинда. Янги нишондорлар яқин кунларда ҳаммамизга маълум бўлади деган умиддамиз. Ёш созанда-ижрочиларга омад тилаб қоламиз.

А. ОДИЛОВ,
Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

«ТУҚИМАЧИ»
МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАРКАЗИ

ТУҚИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

6 март соат 15.00 ва 18.00 да

7 март соат 14.00 ва 17.00 да

«ТАБАССУМ» САҲНАДА»

Узбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг купонсиз ва талонсиз ишлайдиган «ТАБАССУМ» устахонаси ўз мухлисларини

«БАҲОР+МУҲАББАТ=ТАБАССУМ»

учрашувига таклиф этади, учрашувда устахонанинг сиз севган ижрочи ва ижодкорлари ўзларининг латифа, интермедия, ҳажвиялари билан қизиқчилари — ичакузди ҳангомалари билан, хушовоз хонандалар лирик ва ҳазил қўшиқлари билан дилингизни хушнуд этадилар.

Келинг, юзма-юз дийдорлашиб, бир кулишайлик, азизлар!

ЭСЛАТМА: Ҳазилни тушунмайдиган, тумшайган ва қовоғидан қор ёғилганларга чипта сотилмайди.

Қувноқ мухлислар учун кассалар соат 10.00 дан ишлайди.

МАЗИЛГОҲИМИЗ: Бобур кўчаси, 45-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 53-36-34, 53-36-43.

ҚУРИЛИШ-ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон республикасидаги омонатлар бўйича энг қулай шарт-шароитлар ва энг юқори фоизларни таъминлайди.

Талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича — 10 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача муддат давомида сақланадиган омонатлар бўйича — 15 фоиз.

3 йилдан ортиқ муддат давомида сақланадиган омонатлар бўйича — 18 фоиз.

Бунда Қурилиш-тижорат банки пишиқ-пухталик, тезлик ва юксак хизмат кўрсатиш маданиятини кафолатлайди.

Биз Сизларни дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни соат 8.30 дан 17.00 гача кутамиз.

МАНЗИЛИМИЗ: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 5-қават, метронинг «Пахтакор», «Навоий» бекатларигача; 1, 2, 7, 14, 18, 24-троллейбусларда «Универсам» бекатигача; 4, 20-троллейбусларда «Пахтакор» метро бекатигача борилади.

Тошкент вилоят ҳокимлиги Анғрен шаҳар ҳокими Сотволди Юсупалиевга отаси Юсуп ТУРДИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий кадрият лар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325686.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-18. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 30579 нусха босилди.